


علم او ғаланишни берган мислиан оғизон мөржидор

# Аллоҳ



4-сон Зулхижжа  
Ойлик ижтимоий-маърифий электрон журнал



[www.islom.uz](http://www.islom.uz)

**АЛЛОҲ сизларини  
ПОКлашни истайди**

**ИНОЯТУЛЛОҲ ЛАНГАРИЙ**

**Таҳорат нима?**

**Жаннатийлик белгиси**

**Иймоннинг етмиш етти  
шўъбаси**

**Ҳазрат Фотиманинг  
вафотлари**



## Таҳрир ҳайъати:

*Шайх Муҳаммад Содик  
Муҳаммад Юсуф (раис)  
Тоҳир Малик.  
Эркин Малик.  
Абдулҳамид Турсун.  
Муҳаммад Айюб Усмон.  
Муҳаммад Зуфар.  
Озод Мунаввар.  
Исмоил Муҳаммад Содик  
Анвар Аҳмад*

“Ҳилол” ойлик электрон журнали. 4-сон.  
Муассис: “Ҳилол“ нашрёти МЧЖ (Москва)

Бош муҳаррир: Аҳмад Муҳаммад  
Бош директор: Абу Муслим  
Мусаввир: Беҳзод Вафоев



[www.islom.uz](http://www.islom.uz)

# ЯХШИ ВА ЁМОН ТАҚЛИД

Тақлиднинг жоиз ва ножоизлиги ҳақидағи масалаларнинг шаръий томонлари фикр қитобларимизда кенг ёритилган. Имом Фаззолий: «Тақлид хужжатсиз сўзни қабул қилишдир», деганлар. Уламолар амалий шаръий аҳкомларда тақлиднинг жоизлиги ҳақида ихтилоф қилишган. Эътиқод гавҳари ҳисобланган иймон масаласида ҳам тақлидга рухсат бор. Ўтган аждодлари эргашган нарсаларга тақлид қиливчиларнинг иймони «тақлидий иймон» дейилади ва бу иймоннинг энг паст даражасидир.

Биз эса, тақлиднинг ижтимоий моҳияти ҳақида сўзлаймиз. Олдин «тақлид» сўзига қисқача таъриф бериб ўтайлик: у арабча «қолада» сўзидан олинган, луғатда «бировга ўхшашга интилиш, кимгadir маржон тақиб қўйиш» маъноларини билдиради. Исломда ибратли ишларда ва яхши, солиҳ кишиларга эргашиб мақбул саналади. Ёмон, гуноҳ ишларда ва бадахлоқ кимсаларга тақлид қилиш қораланганди. Биз тилга олмоқчи бўлган тақлид эса бугунги кунда анча урфга кирган ва жамият ахлоқига жиддий таъсир кўрсатётган ярамас бир ҳолатдир.

Тақлиднинг энг аянчли кўриниши ҳозирги пайтда мусулмонларнинг ўзга дин вакиллари ёки динсиз миллатларнинг урф-одатлари, маданиятлари, кийинишлари, ҳаёт тарзларига тақлид қилишларида намоён бўлмоқда. Миллатимиз менталитетига ва ахлоқига, динимизга ёки руҳиятимизга тўғри келадими-йўқми – суриштириб ҳам ўтирамай, бошқа ўлкаларда нима урфга кирган бўлса, дарор қабул қилияпмиз. Қабул қилгандаям, улардан ошириб, уларни ортда қолдириб юборяпмиз.

Гапим қуруқ бўлмаслиги учун бир неча мисоллар келтириб ўтay: фарб ўлкаларида қадимдан уй томларини учбurchак, конус шаклида қилиш урфда бўлган экан, биз ҳам уларга тақлид қилиб, уйларимизни шунаقا қуришини бошлаб юбордик. Уларнинг аёллари кўксини ва киндини очиб кийиняптими, биз ҳам бу соҳада уларни «бир чўқишида қочирдик». Бу ҳам у ёқда қолиб, аёлларимиз ҳар соҳада: соч турмаклашу пардоз-андозда, бола боқишу эрга муомала қилишда фарб аёлларига тақлид қилаётгандарни ёмон бўляпти. Ҳатто уй таъмирлашимиз ҳам оврупаликларга тақлидан «евроремонт» деб ном олди. Уларга эргашиб, дўконларимиз – «маркет», таомимиз – «хот-дог, гамбургер», уйимиз – «хаус», ишхонамиз «офис» деб аталадиган бўлди. Иш шунга бориб етдики, фарбнинг бир ишратпараст насроний руҳонийи қамоқ-

дагилар «лаззатланиши» учун ўйлаб топган бузуқлик ўйини «Авлиё Валентин куни» номи билан юртимизда ҳам нишонланадиган бўлди. Масаланинг асл моҳиятини тушунмаган кўпгина ёшлар бу «севги байрами» билан бир-бирларини қутлашлари урфга киряпти.

Тақлиднинг яна бир ёмон кўриниши одамларимиз турмушига ҳам кенг кириб боряпти. Бу янги ўйлаб тошлигандаги урф-одатларда (бидъат ишларда) одамларнинг бир-бирларига тақлид қилишлари, эргашишлари, «мен

сендан қоламанми?» қабилицада кимўзарига иш тутишларидир. «Кимдир тўйинни роса серҳашам, дабдабали ўтказибдими, тамом, биз ҳам шунаقا қиласиз, ундан қаеримиз кам?»; «Фалончи никоҳ маросимига лимузин ёллаптими, биз унақа лимузиндан нақ учтасини чақирамиз»; «Писмадончи қудасиникига ҳайитлик қилиб ўнта тоғора жўнатиптими, биз тоғора сонини йигирматага чиқарамиз»; «Анавилар янги туғилган чақалонини туғруқхонадан извошда олиб тушган бўлса, биз бунга вертолёт ёллаймиз» ва ҳоказо ва ҳоказо. Нафслар васвасаси, шайтон қутқуси, сохта фуур чорлови ва ном чиқариш тамаъси билан қилинадиган бундай бемаъни тақлидлар шу йў-

синда давом этаверса, охири қаергача борамиз? Мана шу нарса одамни ўйлантиради, ташвишга солади...

Инсон ҳар ишда, ҳар соҳада ўзгаларга тақлид қилаверса, ўзлигидан, миллий маънавиятидан мосуво бўлади. Фарбдагиларнинг ўз «маданиятлари», турмуш тарзлари, урф-одатларини бошқа ўлкаларга ёйиш учун интилишлари замирида катта геосиёсий манфаатлар, узоқни ўйлаб тузилган мустамлакачилик режалари ётибди. Уларнинг бу найрангларига учиб, улар қўйган қопқонларга илиниш мусулмон миллатига хос бўлмаган иш. Ҳар ишда фарбдагиларга тақлид қиливчилар ўтган асрнинг улуғ мутафаккирларидан Исмоил Фаспиралийнинг бундан 120 йил олдин айтган мана бу сўзлари мағзини бир чақиб қўришса ёмон бўлмасди: «Оврупа кекса бир чолдир, тажрибаси кўпдир. Улуғ ёшига ҳурматимиз бор. Тажрибасидан ўрганамиз. Лекин хатоларини тақрорламаймиз... Оврупада нимани кўрсак, ёш боладек олиб югурмаймиз. Эсли-хушли инсонлардек: «Бу нимадир, оқибати нима бўлади, виждан ва ҳаққониятга уйғунми?» деб ақл тарозусида тортиб оламиз». Менимча, бу гапларга қўшимча қилиш ортиқча туюлади.



# АЛЛОХ СИЗЛАРНИ ПОКЛАШНИ ИСТАЙДИ

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

وُجُوهُكُمْ وَأَيْدِيكُمْ إِلَى الْمَرَافِقِ وَأَمْسَحُوا بِرُءُوسِكُمْ  
وَأَرْجُلَكُمْ إِلَى الْكَعْبَيْنِ وَإِنْ كُنْتُمْ جُنْبًا فَاطَّهَرُوا وَإِنْ  
كُنْتُمْ مَرْضَى أَوْ عَلَى سَفَرٍ أَوْ جَاءَ أَحَدٌ مِنْكُمْ مِنَ النَّاَبِطِ أَوْ لَمْسْتُمْ  
النِّسَاءَ فَلَمْ يَجِدُوا مَاءً فَتَيَمَّمُوا صَعِيدًا طَيْبًا فَأَمْسَحُوا  
بِوُجُوهِكُمْ وَأَيْدِيكُمْ مِنْهُ مَا يُرِيدُ اللَّهُ لِيَجْعَلَ  
عَلَيْكُمْ مَنْ حَرَّجَ وَلَا كُنْ يُرِيدُ لِيُطَهِّرُكُمْ وَلَيُسْتَمِّ نَعْمَتُهُ  
عَلَيْكُمْ لَعَلَّكُمْ تَشْكُرُونَ

۱

“Эй иймон келтирганилар! Намозга турмокчи бўлсангиз, юзингизни ва қўлларингизни чиганоқлари билан ювинглар. Босингизга масҳ тортинглар ва оёқларингизни тўпиқлари илиа ювинглар. Агар жунуб бўлсангиз, покланинглар. Агар бемор ёки сафарда бўлсангиз ёхуд бирортангиз таҳоратхонадан келса ёки аёлларга яқинлик қилсаю, сув топа олмасангиз, бас, покиза тупроқ илиа таяммум қилинглар. Ундан юзингизга ва қўлларингизга масҳ тортинглар. Аллоҳ сизларга қийинчилик тугдирини истамайди. Аммо сизларни поклашни ва сизларга Ўз неъматини батамом қилиб берини истайди. Шояд, шукр қиласангизлар” (Моида, 6).

Ушбу оятлар синчикалб ўқиб-ўрганилса, Исломнинг поклик дини, поклик бўлгандა ҳам, мұжаммал поклик дини экани яқол намоён бўлади. Аввалги беш оядта пок нарсаларнинг ҳалол қилингани, мусулмонларга пок таомлар, покиза аёллар ҳалол қилингани ҳақида сўз борган бўлса, бу оядта бадан поклиги ҳамда, энг муҳими, қалб поклиги ҳақида сўз кетмоқда. Чунки, намоз қалб покловчи амалдир. Ислом динида ҳамма нарса покликка таянади, покликка қаратилгандир. Хоссатан, намоз ўқиш учун нафақат бадан, балки кийим-бош ва жой ҳам пок бўлиши зарур.

Хукм баёни «Эй иймон келтирганилар!» нидоси билан бошлинаётгани бу хужмларнинг ҳам аҳамият жиҳатидан олдингиларидан қолишмаслигини кўрсатади.

«Намозга турмокчи бўлсангиз, юзингизни ва қўлларингизни чиганоқлари билан ювинглар. Босингизга масҳ тортинглар ва оёқларингизни тўпиқлари илиа ювинглар».



Таҳоратнинг фарзлиги ва бу фарз амал ичидаги тўртта фарз борлиги ушбу ояддан олинган. Шу билан бирга, баъзи тоифалар ушбу оядни тушунишда ва ундан ҳукм чиқаришда мусулмонлар жумхурига зид боришиган. Бунга ояти каримани нотўғри талқин қилиш сабаб бўлган. Ояднинг матни «Бошларингизга масҳ тортинглар ва оёқларингиз ҳам!» деганга ўхшаш маънода келган. Бу тарзда тузилган жумлани шиъя мазхабидаги кишилар «ва оёқларингизга ҳам масҳ тортинглар» деган маънода тушунганлар ҳамда шу маънодан келиб чиқиб, таҳорат қилган киши юзини ювади, қўлини чиганоғи билан ювади, бошига ҳамда оёғига масҳ торгади, деб ҳукм чиқаришган. Улар шундай килишади ҳам. Қуръони карим маънолари бошқа тилларга таржима қилинганида ҳам кўпинча шу хатога йўл қўйилган. Аслида, ундей эмас. Таҳорат тартибиға мувофиқ бўлиши учун оёқни ювиш кераклиги охирида зикр қилинган. Араб тилидан, Қуръон тиловатидан хабардор ҳеч бир шахс бу маънодан бошқа маънони тушунмайди. Қолаверса, Қуръони каримни биринчи қабул қилиб олган зот Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи вассаллам унга оёқни ювиш маъносини берганлар ва ўзлари доимо таҳоратда оёқларини ювганлар. Қуръони каримнинг нозил бўлишига ҳамаср бўлган саодатманд авлод – саҳобаи киромлар авлоди бу оядни: оёқни ювишни англатади, деб тушунишган ва ҳаммалари таҳорат килгандаридан оёқларини ювишган. Улардан бирорталари ҳам оёққа масҳ тортишмаган.

Намоз учун таҳорат фарз экани баён этилганидан сўнг, яъни, кичик таҳоратсизликдан покланиш баён қилинганидан сўнг, катта таҳоратсизликдан – жунубликдан покланиш баён қилинади.

«Агар жунуб бўлсаларингиз, покланинглар», яъни гусл қилинглар.

Жунублик эҳтилом бўлиш ёки жинсий алоқа туфайли юзага келади. Аввалги оятларда ҳам келган ва ўз жойида баён қилинган эди.

Баъзи ҳолларда инсон таҳоратга ёки гуслга имкон топа олмай қолади. Шунда нима қилиши керак? Аллоҳ таоло бандаларига меҳрибон Зот, бу нокулай ҳолатдан чиқишининг йўлини ҳам Ўзи кўрсатади:

«Агар бемор ёки сафарда бўлсангиз ёхуд бирортангиз таҳоратхонадан келса ёки аёлларга яқинлик қилсаю, сув топа олмасангиз, бас, покиза тупроқ илиа таяммум қилинг».

Худди шу маънолар «Нисо» сурасида ҳам келган ва ўша жойида батағсил баён қилинган. Бу ўринда жунубликда ҳам таяммум қилинганига далил сифатида бир ҳадиси шарифни келтириш ўринли бўлса керак:

Имом Бухорий қылган ривоятда Амр ибн Осс розияллоху анху қўйидагиларни айтадилар:

«Ғазотларнинг бирида, совуқ кечада эҳтилом бўлиб қолдим. Ғусл килсам, ҳалок бўлишимдан кўркиб, таяммум қилдим. Сўнгра шерикларимга имом бўлиб бомдод намозини ўқидим. Улар буни Пайғамбаримиз алайҳиссаломомга етказдилар. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳой Амр, жунуб бўлсанг ҳам, шерикларингта имом бўлиб намоз ўқидингми?» деб сўрадилар. У кишига нимага ғусл қилмаганимнинг хабарини бердим ва Аллоҳ: «Ўзингизни ўлдирманглар! Аллоҳ сизларга раҳмли Зотдир», деганини эшитган эдим, дёдим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кулдилар-да, ҳеч нарса демадилар. Бу, у кишининг икрорлари эди».

«Нисо» сурасида келган таяммум ҳақидаги оятнинг тафсирида айтганимиздек, намоз фоят муҳим ибодат, уни тарк этишнинг ҳеч узри йўқ. Таҳорат қилиш имкони бўлмаса, таяммум қилиб бўлса ҳам, ўқиш зарур. Шунинг учун, шариатга таяммум киритилган. Бу ерда таяммум қилишининг қоидаси баён этилмоқда.

«Ундан юзларингизга ва қўлларингизга масҳ тортинглар» (яъни, тоза тупрокдан). Тупрокни юзга ва қўлларга суртишдан мақсад нима? Нима учун шундай қилинади? Аллоҳ таоло бу ишни буориш билан нимани иродга эттан? Наҳотки У одамларни кийнашни истаган бўлса? Жавоб Аллоҳ таолонинг Ўзидан келади:

«Аллоҳ сизларга қийинчилик тұғдирини истамас. Аммо сизларни поклашни ва сизларга Ўз неъматини батамом қилиб беришини истайди».

Аллоҳ ҳеч қачон бандаларига қийинчиликни истамайди. Исломда ҳамма нарса енгиллик асосига бино қилинган. Сув йўқ бўлса ёки уни истемол қилиш имкони бўлмаса, таяммумга буорилиши ҳам енгилликдир. Аллоҳ таоло хоҳлаганида, қандай қилиб бўлса ҳам, сув топасан ва сув билангина таҳорат киласан, дейишга ҳаққи бор эди. Аммо бу нарса бандаларига оғир бўларди. Таяммумга амр этишдан мурод, Аллоҳ мусулмонларни поклашни истайди. Чунки, намоз Аллоҳ таоло билан бўладиган мулокотдир. У мўмин банданинг меъроҳидир. Намозда банда Роббул Оламийн қаршиисида туриб, Унга муножот қилади. Ундан ҳожатларини сўрайди. Унга дардини тўкиб солади. Бу муҳим ва қолдириб бўлмас мулокотга покланиб бориш лозим экан, агар сув топилмаса, таяммум қилиб бўлса-да, покланиш зарур. Бунга ўша мулокотни тайин қилган Зот – Аллоҳ таолонинг Ўзи руҳсат беряпти. Намоз Аллоҳ таолонинг Ўзи билан мулокотга чиқиши учун бандаларига яратиб берган имконият бўлиб, бу ҳол У зот намозга қанчалик аҳамият беришни кўрсатади. Аммо баъзи нобакор бандаларнинг бу олиймақом мулокотдан қочиб юришларини қандай баҳоласа бўлади?

Оят давомида: «Ва сизга Ўз неъматини батамом қилиб беришини истайди», дейишидан, таяммум қилиб бўлса ҳам, намоз ўқишига руҳсат бериши бандаларга Аллоҳнинг неъмати эканини тушунамиз. Банда бу неъматнинг қадрига етиши ва унга шукр қилиши лозим. «Шояд, шукр қилсангиз».

Юқорида олтига оят ўтди. Бу оятларда озиқ-овқат, ов қилиш, ҳалол-ҳаром, никоҳ, одамлар муомаласи, таҳорат, намоз каби ма-салалар келди. Ушбу масалаларнинг барчаси бир хил эътибор или аралаш ҳолда келмоқда. Улар мўмин-мусулмонларга қаратади: «Эй иймон келтирғанлар!» деган хитоб орқали баён қилинмоқда. Бу эса, Ислом дини инсон ҳаётининг ҳамма соҳаларини қамраб олганини кўрсатади. Ҳамда бу “дин ҳар бир одамнинг қалбидаги ишончидир” деган сафсатанинг бекор эканига ёрқин далиллар. Биз бундан Ислом дини ҳам ақийда, ҳам ҳаёт тарзи, ҳам муо-

мала, ҳам иқтисод, ҳам сиёсат эканини, бу ишларнинг ҳаммаси Аллоҳнинг бандаларига берган амири-фармони эканини тушуниб оламиз. Биз бундан ҳаётимиздаги ҳар бир ишимиз намоз ва таҳорат каби ибодат эканини, уларга ҳудди намоз ва таҳоратга эътибор берганимиздек муносабатда бўлишимиз лозимлигини англаб етамиз. Дилида мусулмон бўлиб, амалида коғирнинг ишини қилиш аҳмоклик эмасми? Масжидда мусулмону, бозорда ёки ошхонада номусулмон бўлиш гумроҳлик эмасми? Аллоҳ ўз бандаларидан ҳамма ишда унга таслим бўлишни истайди. Шунга бўйин этган одамгина ҳақиқий мусулмон бўла олиши мумкин. Ана шундагина банда Аллоҳ таолога берган аҳдномасига вафо қилган бўлади.

(“Тафсири Ҳилол”, 2-жисл, 21-24-бетлар).



# ЖАННАТИЙЛИК БЕЛГИСИ

*Убода ибн Сомитдан (розияллоху анху) ривоят қилинади:* «Набий соллаллоху алайхи васаллам: «Ким “Аллоҳдан ўзга илоҳи маъбуд йўқ, У ўзи ёлгиздир, Унинг шериги йўқ, Мұхаммад Унинг бандаси ва Расулидир, албатта, Ийсо Аллоҳнинг бандаси, Унинг Расули, Марямга ташланган калимаси ва Ундан бўлган руҳдир, жаннат ҳақдир, дўзах ҳақдир», деб гувоҳлик берса, Аллоҳ уни нима амал қилган бўлса ҳам жаннатга киритади», дедилар»

(Имом Бухорий ва Мұслим ривояти).

Ушбу ҳадисда иймон ва тавҳиднинг фазли ҳақида, яни, қуйидаги нарсаларга иймон келтириш фазли ҳақида сўз кетмоқда:

1. *Аллоҳдан ўзга бандалар ибодатига сазовор илоҳий маъбуд йўқлигига;*
2. *Аллоҳнинг ёлгиз эканига;*
3. *Аллоҳнинг шериги йўқлигига;*
4. *Мұхаммад соллаллоху алайхи васаллам Аллоҳнинг бандаси ва Расули эканига;*
5. *Ийсо алайхиссалом ҳам Аллоҳнинг бандаси ва Расули эканига;*
6. *Ийсо алайхиссалом Аллоҳнинг Марям онамизга ташланган калимаси эканига, яни, «Бўл!» деганида отасиз дунёга келанига;*
7. *Ийсо алайхиссалом Аллоҳдан бўлган руҳ эканига;*
8. *Жаннат ҳақ эканига;*
9. *Дўзах ҳақ эканига иймон келтириши.*

Ҳадисда ушбу нарсаларга шоҳидлик берган одамни, нима амал қилган бўлса ҳам, Аллоҳ таоло жаннатга киритиши таъкидланмоқда.

Маълумки, Ислом дини янги келган пайтида дунёни ширк балоси босиб ётган эди. Одамлар Аллоҳ таолога ширк келтиришар эди. Ҳатто туясини кумга соғиб, лой қилиб ўзига «худо» ясад оладиганлар бор эди. Ҳазрати Умар мушриклик пайтларида хурмо мевасини бир-бирига ёпишириб, «худо» ясад ибодат қилганини, кейин қорни очиб «худо»сини еб кўйганини айтиб, жоҳиляят ахмоқлиги устидан қулиб юрар эдилар.

Ана шундай ҳолатда Аллоҳ таоло Мұхаммад соллаллоху алайхи васалламни тавҳид (яккахудолик) дини ила юборди. У зот соллаллоху алайхи васалламнинг ўн уч йил давомида қилган ишлари кишиларни тавҳид калимасига -- «Лаа илаха иллаллоху Мұхаммадур Расуллалоҳ»га чакириш бўлди. Ўша даврда нозил бўлган ояти карималарнинг маъноси ҳам шу эди. Айтилган ҳадиси шарифларнинг маъноси ҳам шу эди. Дарҳакиқат, ўша пайтда шаҳодат калимасини айтганлар комил мўмин бўлишган. Чунки, бошда Исломнинг арконлари, ибодатлари ҳали жорий қилинмаган эди. Табиийки, ўша пайтда шаҳодат калимасини айтиб, ушбу ҳадисда зикр қилинган нарсаларга гувоҳлик берганлар вафот этишса, албатта, жаннатий бўлишган. Чунки улар ўша даврда жорий бўлиб турган Аллоҳнинг амриғни тўлиқ адо этатуриб, вафот этишган.

Кейинчилик, Пайғамбаримиз соллаллоху алайхи васаллам Мадина мунавварага хижрат қилгандаридан сўнг бирин-кетин бошқа руқнлар, дин аҳомлари жорий қилина бошланди. Энди мусулмонлар шаҳодат калимасини айтишиб билан кифояланиб қолмасдан, ана шу руқнларни, аҳомларни ҳам адо этишлари лозим бўлди. Аллоҳ таоло ояти карималарда мазкур руқн ва аҳомларни бажармаганлар дўзахга тушишини айта



бошлади. Пайғамбаримиз соллаллоху алайхи васаллам ҳам ўз ҳадисларида ушбу маъноларни баён эта бошладилар. Энди «шаҳодат калимасини айтган одам жаннатга тушади» деган гап билан кифояланилмайдиган бўлди. Энди шаҳодат калимасини айтган, намоз ўқиб, рўза тутган, закот бериб, ҳажга борган жаннатга киради», дейиладиган бўлди. «Шаҳодат калимасини тасдик килмаган дўзахга тушади», де-йиш билан бирга «намоз ўқимаган, рўза тутмаган, имкони бўлиб туриб закот бермаган, ҳажга бормаган ҳам дўзахга тушади», дейила бошланди.

«Шаҳодат калимасини айтса бўлди, бошқа нарсаларнинг кераги йўқ», деганларнинг гапида заррача ҳам мантиқ йўқ. Агар шаҳодат калимасини айтиш етарли бўлса, Аллоҳ таоло нима учун бошқа руқн ва аҳомларни фарз қилди? Ўша мантиқсиз шахслар ўзларининг мантиқсиз гаплари билан гуноҳи азимга журъат килган бўлишади.

Бундай ҳолларда масаланинг туб моҳиятини, ҳамма тарафни атрофлича ўрганиб, сўнгра хукм чиқариш керак. Мисол учун, «Рўзадор киши Райян номли эшиқдан жаннатга киради», деган маънода ҳадиси шариф бор. Шу ҳадисни далил қилиб: «Мен рўза тутсам бўлди, бошқа руқнларни ва аҳомларни адо қилмасам ҳам жаннатга кираман», дейиш мумкинми? Йўқ, албатта!

Демак, Аллоҳ таоло ушбу ҳадисда зикр қилинган нарсаларга гувоҳлик берган одамни нима амал қилган бўлса ҳам жаннатга киритади, дейилади Исломнинг дастлабки, иймондан бошқа руқн ва аҳомлари жорий қилинмаган даврига хосдир. Кейинги даврда кайси руқн жорий қилинган бўлса, у ҳам қўшилиб кетаверган. Шунинг учун намоз фарз қилинган даврдаги ҳадисларга қарасак, намозни вақтида адо қилган одам жаннатга тушади, дейилади. Рўза фарз қилинган вақтдаги ҳадисларда – рўзани тутган одам, закот фарз бўлган даврдаги ҳадисларда – закот берган одам, ҳаж фарз бўлган даврдаги ҳадисларда – ҳаж қилган одам жаннатга тушади, дейилган. Ҳаммаси мукаммал бўлгандан кейин айтилган ҳадисларда ҳамма руқнларни қўшиб айтилгани ҳам бор.

Ислом дини таълимотлари бир соат, бир кун ёки бир йилда жорий қилингани йўқ. Балки йигирма уч йил давомида, аста-секин жорий қилинди. Иймон масаласи мураккаб масала бўлганидан, мазкур йигирма уч йилнинг катта қисми – ўн уч йили иймонни мустаҳкамлашга қаратилди. Қолган ўн йилда бошқа руқн ва аҳомлар аста-секин, бирин-кетин жорий қилинди. Ушбу ҳакиқатни тўғри англаб этиш бунга ўхшаш масалаларни тушунишга ёрдам беради. Бошқа вазиятда айтилган бир ҳадисни ушлаб олиб, Исломнинг иймон руқnidan бошқа ҳамма руқн ва аҳомларини бекорга чиқариб юборишга хеч ким ҳақли эмас.

(“Ҳадис ва Ҳаёт”, 2-жисид, 114-118-бетлар).

# АХБОШЛАР

Ҳаммага мәденимдер, коммунизм инқирозга учрагандан сүнг, худосиз тұзум ҳұммодор бўлиб турган юртларда катта ўзғаришлар юз берди.

Айникса, мәйнавий соҳада, жумладан, дину диёнат масаласида ҳам ўзғаришлар бўлди ва бўлмоқда ҳам. Узок муддат давом этган ақийда катағонига учраганидан рухий қашшоқ, иймон-эътиқод масаласида саводсиз бўлиб колган жамиятларга турли дин ва мазҳаб соҳиблари кириб кела бошладилар. Улар нима қилиб бўлса ҳам, турли йўллар билан кишиларни ўз дин ва мазҳабларига киритишга ҳаракат кильмоқдалар.

Жуладан, бизнинг диёромизга ҳам турли масихий тоифалар, будда, кришина дини тарафдорлари, шунингдек, баҳойилар, коденйилар, оғаҳонийлар ва бошқалар кириб келиб, фаолият кўрсатмоқдалар. Асли мусулмон бўлган ҳалқимиз мазкукур дин мазҳабларини қабул қилмай, Исломнинг ахли сунна вал жамоа мазҳабида мустахкам турадилар, деган умиддамиз. Агар адашиб, мәденимдер етишмай, баъзи кишилар мазкур тоифалардан бирортасига аралашиб колсалар, дарров тавба қилиб, ўз аслларига қайтишлари зарурлигини ҳам эслатиб кўймоқчимиз. Шу билан бирга, ушбу рисолада алоҳида эътиборга сазовор бўлган масалаларга тўхталиб ўтмоқчимиз.

Азизлар, ақийда масаласи жуда ҳам нозик масала. Сиртдан арзимаган бўлиб кўринган баъзи нарсалар туфайли инсон мусулмонлик доирасидан чиқиб қолиши хеч гап эмас. Баъзи биродарлар, у ҳам Худога ишонар экан, бу ҳам Худога ишонар экан, демак ҳаммаси ҳам бир-да, дейдилар. Йўқ, Худога ишонаш ҳар хил бўлади. Бунинг фарқига бориш зарур. Бока дин ва мазҳабларда кишиларимиз эҳтиёт бўлишларига умидимиз бор. Аммо, баъзи тоифалар борки, уларни ҳатто диний илми бор кишиларнинг ўзлари ҳам фарқига боришида қўйналиб қоладилар. Чунки улар янги чиқкан тоифалар бўлиб, кўпчилик бу ҳакида хеч қандай мәденимдерга эга эмас. Мазкур тоифаларнинг аъзолари эса ўзларини яшириб, ахли сунна вал жамоа мусулмонларидан кириб кўрсатишга ҳаракат қиладилар. Ҳозир собиқ Совет Иттифоқи ҳудудида, жумладан, Ўрга Осиёда шундай тоифалардан иккитаси фаолият кўрсатмоқда.

Улардан бирини кўпчилик «Ахбош» деб агади. Бу тоифа янги чиқкан тоифалардан бўлиб, маркази Ливанда. Улар баъзи ақийда ва фикҳий масалаларда нотўғри йўлга кирганларни ҳакида баҳслар кетмоқда. Уларнинг раҳбарлардан бири Аҳмад Тамим номли шахс Украинада Ислом маркази очган, ер олиб қурилиши қильмоқчи. Унинг ким эканлиги мәденим бўлгандан сўнг, ихтилофлар ҳам чиқкан. «Ахбош» тоифасига Абдулоҳ ал-Ҳарарий Ҳабохий башчиллик киласи. Тоифанинг мағкураси ва иш юритиши услубини шу шахс белгилайди. У ҳозир Ливанда. Энг ачинариси, Кафқоз муфтийларидан бири унинг ҳузурига бориб, кўл берган ва бошқаларни ҳам кўл беришга чакириган. Бу тоифа юзасидан турли норозиллар, уларнинг хатоликлари тўғрисида гаплар бўлишига қарамасдан, ҳозиргача бирор расмий фатво ёки ҳужжат чиқкан эмас. Шунинг учун ҳам, ушбу лаҳзаларда сизларга бу тоифа хатолари ҳакида бирор гап айтишини эрта деб ўйлайман. Бу йилги ҳаж мавсумида «Робитатул Оламил Исломий» томонидан турли ўлкалардан ташриф буюрган атоқли уламолар мулоқоти ўтказилди. Бу мажлисада турли масалалар, жумладан, турли тоифалар масаласи ҳам баҳс қилинди. Мен уламоларга мазкур тоифалар ҳакида сўзлаб, тезроқ бир фатво чиқариб, ҳақиқатни мусулмонлар оммасига етказиш зарурлигини сўзладим, кўпчилик бу фикрни кўллаб-кувватлади. Шунингдек, «Робитатул Оламил Исломий» раҳбариятига расмий мактуб йўллаб, Ислом фикҳи академиясининг навбаттаги мажлисларидан

бирида бу масалани атрофлича кўриб, фатво чиқариш зарурлигини илтимос килдим. Иншааллоҳ, келажакда бу ишлар ҳам амалга ошиб қолса ажаб эмас.

Яна шундай тоифалардан бири - «Дорул Арқам» номли тоифа бўлиб, уларнинг маркази Малайзиядир. Мен бу тоифа ҳакида биринчи бор бундан бир неча йил аввал, Умумжахон Ислом даъват олий кенгаши аъзоси сифатида Малайзиядаги кўчма мажлисга борганимда эшигтан эдим. Ўшанда Малайзиялик таниш уламолар ўз юртларида «Дорул Арқам» номли адашган тоифа чиққанлигини, уламолар уларни тавба килишга чакираётганларини айтишган эди.

Тоифа аъзоларидан эркаклари тўпигидан сал юкори турадиган узун кўйлак ва кичкина салла кийишлари билан, аёллари эса кора либос кийиб, юзларига факат кўзи очилиб турадиган ниқоб кийишлари билан ажралиб турадилар. Кейинчалик «Дорул Арқам» тоифаси аъзолари Ўзбекистонга ҳам кўплаб келишиди. Бошликлари ҳам ташриф буорди. Мен у киши билан гаплашдим. Тоифанинг бошқа мусулмонлардан фарки ҳакида сўраганимда, у одам, бизнинг бошқа мусулмонлардан фаркимиз йўқ, факат биз тижорат ва сармоя ишларига кўпроқ эътибор берамиз, бу эса кўпчиликка нимагадир ёқмади, деди. Мендаги мәденимларга қараганда, «Дорул Арқам» тоифаси Ўзбекистонда анчагина одамлар билан алока ўрнатганлар. Баъзи кишиларни ўз юртларига меҳмонга чакириланлар. Болаларни ўқитиб беришни вайда килгандар. Мазкур тоифа Малайзия ташқарисида Сингапур, Индонезия, Тайланд, Покистон ва бошқа жойларда ўзига тарафдор топган.

**«Дорул Арқам» тоифаси масаласи аста-секин кучайиб бориб, бу йил ёзга келиб, айтиш мумкин бўлса, «порглади». Малайзия ҳукумати бу тоифага нисбатан расмий чораларни кўришга мажбур бўлди. Улар Исломдан чиқкан, коғир тоифа деб эълон қилинди. Малайзия бош вазири Маҳатхир Мухаммад жаноблари, «Дорул Арқам» тоифаси раҳбари пайғамбарлик даъвосини килаётганини айтиб, бу чидаб бўлмас хол, биз уларнинг кийими билан ишимиз йўқ, аммо раҳбари пайғамбарликни даъво килаётган тоифага бизнинг юртимизда жой йўқ, деди.**

Ҳозирда бу тоифанинг раҳбарлари Тайландда истикомат килишмоқда. Инданезия ҳукумати томонидан ҳам «Дорул Арқам» тоифасига қарши чора кўриш кутилмоқда.

Мен аввал айтиб ўтганимдек, «Ахбош» тоифаси ҳакида фатво чиқаришини таклиф килганимда, «Дорул Арқам» ҳакида ҳам фатво чиқаришини таклиф килганиман. Шунинг учун «Дорул Арқам» ҳакида гапни вақтинчалик киска қилиб турасиз.

Зикр этилганлардан кўриниб турибдики, эътиқод масаласида жуда ҳам эҳтиёт бўлиш зарур. Кўринганга эргашиб кетавериш мутлақо тўғри келмайди. Тўғри узок, давом этган коммунистик терор оқибатида рухий бўшилини пайдо бўлди. Диний саводсизлик вужудга келди. Лекин, бу турли тоифалар ортидан кетиб қолишига баҳона бўла олмайди.

Четдан келган шахсларнинг кийиган кийими, берган молиявий ёрдами, зоҳирий кўриниши ёки қаердан келганингига учмаслик керак. Балки, шошилмасдан суриштириб, билмаганлардан сўраб иш кўриш, алока килиши керак. Акс ҳолда, кишиларимиз ақийдасига пурт етиши, турли тоифалар келиб чиқиб, жамиятда, ҳатто оиласларда ҳам келишмовчилик, уруш-жанжаллардан бошимиз чиқмай колади. Минг афсуслар бўлсинки, бу ҳолатнинг бошланғич босқичи ҳозирнинг ўзида юзага чиқиб ҳам туриби. Эҳтиёт бўлайлик, азизлар!



# Ҳазрат ФОТИМАНИНГ вафоти

Пайғамбар алайҳиссалом вафтларидан бери энди олти ой ўтган эди.

Ҳазрат Фотима хасталаниб қолди...

Хижратнинг ўн биринчи йили, рамазон ойининг иккичи куни, душанба эди...

Шу пайтгача ора-сира касал бўларди, аммо бу сафаргиси уларга ўхшамади.

Яхши-ёмон кунларида уни ёлғиз қолдирмаган хўжайини яна ёнида эди.

– Болаларни олиб ташқарига чиқсангиз, яхши бўларди...  
Паст овозда айтилган бу жумла ҳазрат Алининг юрагини тилкалади. Уни хафа қиласлик учун ўзини тушунмаганликка олди. Болаларини онасига яқинлаштириди. Ҳазрат Фотима уларни бирма-бир кучиб эркалади. Сўнг ҳазрат Алига имо қилди. Юраги эзилиб, болаларини ташқарига чиқарди. Асмо бинти Умайс билан Умму Рафиъ киришди.

– Менинг ювинишим учун сув тайёрми, онажон?

– Ҳа.

Ҳазрат Фотима Умму Рафиъни «онажон» дерди. Чунки бу аёл унга доим оналиқ қилиб келганди.

– Менга сув қуйиб турасизми, онажон?

– Албатта, қизим.

Ҳазрат Фотима яхшилаб ювинди, аёллар ёрдамида энг яхши либосини кийди.

– Тўшагимни хона ўртасига солинглар.

– Хўп.

Аёллар ишларни бажаришаркан, нима юз берадётганини англаб, жуда изтироб чекишарди.

– Мени ётқизинглар. Юзимни қиблага қаратинг.

– Хўп.

– Энди мени ёлғиз қолдиринг!

– Аммо...

– Илтимос.

– Аммо...

– Роббимга дуо ва илтижо қилмоқчиман.

– !..

Дуо ва илтижога шунчалар берилиб кетдики, жони қандай чиқиб кетганини ҳам билмай қолди.

Овоз чиқмай қолганидан хавотирланиб уйга кирганлар ҳазрат Фотиманинг вафот этганини кўриши.

Шум хабар бир зумда бутун Мадинага тарқалди.

Пайғамбар алайҳиссалом кизи ҳам бу ёлғон дунёни тарк этганди.

Энди йигирма саккиз ўшга кирганди...

Бир фарзанди гўдак чоғида вафот этганди.

Ортида кўзлари ёш хўжайини ва беш фарзанди қолганди.

Пайғамбар алайҳиссаломнинг кенжা қизлари, ҳазрат Алининг суномли завжаси ҳазрат Фотима вафот этганида Ҳасан саккиз, Ҳусайн етти, Умму Гулсум беш, Зайнаб уч, Руқия икки ўнда эди. Ҳазрат Фотиманинг қабрига боқаркан, ҳазрат Алининг ёдига аёл вафотидан бироз олдин айтган гаплари тушди:

– Эй Али, вафотимдан сўнг уйланинг. Акс ҳолда, сиз

ҳам, болаларим ҳам қийналиб қоласизлар. Аммо уларни ўгай она қўлида ҳам қолдиргим келмаяпти. Шу боис опам Зайнабнинг кизи Умомага уйланинг.

Гулларнинг гули бирма-бир дунёни тарк этишганди. Илоҳий тақдир шундай эди. Зотан, одамзотнинг қисмати шу эди. Бири келади, бири кетади...

Қиёматгача давом этади бу ҳол...

Аввал ҳазрат Руқия...

Сўнг ҳазрат Зайнаб...

Ҳазрат Умму Гулсум...

Ва охирида ҳазрат Фотима...

Гулларнинг гуллари энди бокий дунёда яшаяжак эди. Ва севгандарнинг кўнгилларида...

Улар гулларнинг гуллари эди.

Пайғамбар алайҳиссалом булбуллари эди.

Буни билган, кўрган англар.

Курбон бўлсин унга жонлар.

*"Гулнинг гуллари"  
китобидан таржима*



# ТАҲОРАТ НИМА?

Намоз ўқиши олдидан кийимларни, намоз ўқиши жойларини нажосат-ифлосликлардан тозалаш, баданни гусл, таҳорат ёки таяммум кабилар билан поклаш намознинг асосий шартларидан ҳисобланади. Таҳоратни араблар «вузуъ» дейишади, ўзбекчада «покланиш, тозаланиш, озодалик» маъноларини билдиради. Шариатда эса намоз ўқиши, Куръон тиловат қилиш ва бошқа ибодатлар олдидан муайян аъзоларни сув билан ювиб тозалаш «таҳорат» дейилади. Таҳорат Куръони карим ва суннат билан буюрилган. Таҳорат учун сув топиласа ёки сув ишлатишнинг иложи бўлмаса, ўрнига «таяммум» қилинади.

## ТАҲОРАТНИНГ ФАРЗЛАРИ

- а) таҳорат қилувчи юзини бошнинг соч чиққан жойидан ияк ости билан икки қулоғи юмшоғигача ювиши;
- б) икки қўлни тирсак чиганоғи билан қўшиб ювиш;
- в) бошнинг тўртдан бирига масҳ тортиш (яъни, ҳўл қўл билан сийпалаш);
- г) икки оёғини ошиқлари билан қўшиб ювиш;
- д) соқол устидан масҳ тортиш.

## ТАҲОРАТНИНГ СУННАТЛАРИ

- а) таҳоратни «Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм» билан бошлаш;
- б) икки қўлни ошиқлари билан қўшиб уч марта ювиш;
- в) оғизни уч марта чайиш;
- г) бурунга уч марта сув тортиб чайиш;
- д) соқол орасига ҳилол қилиш (яъни, тўрт бармоқни ҳўллаб, соқол остидан унинг орасига киритиш);
- е) бармоқларга ҳилол қилиш (яъни, қўл бармоқлари устидан бир-бирига киритиш ва оёқ панжалари остки томонидан қўл жинжалоғини киритиш);
- ё) аъзоларни уч мартадан ювиш;
- ж) бошнинг ҳаммасига бир марта масҳ тортиш;
- з) қулоқ ичи ва устига масҳ қилиш;
- и) таҳорат учун ният қилиш;
- к) таҳоратнинг Куръони каримда белгиланган тартибига риоя этиш;
- л) пайдар-пай (яъни, аъзоларни кетма-кет улаб) ювиш;



## ТАҲОРАТНИНГ МУСТАҲАБЛАРИ


- таҳоратни ўнг аъзолардан бошлаш;
- бўйинга масҳ тортиш.

## ТАҲОРАТ ОЛИШ ТАРТИБИ

1. Таҳорат олишга ният қилиниб, сўнг «Аъзузу биллаҳи минаш-шайтонир рожийм. Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм», дейилади.
  2. Қўллар бандигача уч марта ювилади.
  3. Ўнг қўлда сув олиб, оғиз уч марта гарфара қилиб чайилади ва мисвок (ёки тиш чўтка) билан оғиз-тишлар тозаланади.
  4. Бурунга ўнг қўл билан уч марта сув тортилиб, чап қўл билан қоқиб тозаланади.
  5. Юз уч марта (икки қулоқ ораси ҳамда пешонадан ияк ости билан) ювилади.
  6. Аввал ўнг қўл, сўнгра чап қўл тирсаклари билан қўшиб ишқаб ювилади.
  7. Ҳовучга сув олиб тўкиб ташлаб, ҳўли билан бошнинг ҳамма қисмига масҳ тортилади.
  8. Кўрсаткич бармоқ билан қулоқларнинг ичи, бош бармоқлар билан эса қулоқ орқаси масҳ қилинади.
  9. Иккала кафтнинг орқасидаги намлик билан бўйин масҳ қилинади. Бунда қўлни янгидан намлаш мустахабдир.
  10. Чап қўл билан аввал ўнг оёғни ошиқ (тўпик) билан қўшиб бармоқлар ораси (ишқалаб) уч марта ювилади.
  11. Чап оёқ ҳам ошиқ (тўпик) билан қўшиб бармоқлар орасини (ишқалаб) уч марта ювилади.
- Аёлларда тирноқларга сурилган лак, теридаги ҳар хил бўёқлар кетказилмасдан олинган таҳорат саҳиҳ (ҳақиқий) ҳисобланмайди.
- Таҳорат олаётганда гапирмаслик, эҳтиёждан ортиқ сув ишлатмаслик, уст-бошга сув сачратмаслик керак.

## ТАҲОРАТНИ СИНДИРУВЧИ (БУЗУВЧИ) АМАЛЛАР

- олд ва орқа йўлдан келган барча нарсалар (ел, нажосат, сийдик) таҳоратни бузади;
- юқоридагилардан ташқари ўзи нажосат ҳисобланган нарсалар (масалан, қон, ииринг) бадандан чиқиб бироз оқса, таҳорат бузилади;
- тупук қизарадиган даражада қон тупурилса, таҳорат бузилади (тупук сарфимтир бўлса, таҳорат синмайди);
- оғиз тўлиб қайт қилинса, таҳорат бузилади (лекин балғам таҳоратни синдирмайди);
- бирор нарсага, агар у олиб қўйилганда йиқилиб тушгудек даражада суяниб ухлаш таҳоратни бузади;
- ҳушдан кетиш, тутқаноқ таҳоратни бузади;
- ақлдан озиш ҳам таҳоратни синдиради;
- балофатга етган одамнинг намозда овоз чиқариб қулиши таҳоратни бузади (жаноза намозидан ташқари);
- эр хотинини яланғоч ҳолда күчқоллаши таҳоратни синдиради, олатни ушлаш таҳоратни бузмайди;
- ИЗОҲ: кўз ёши (агар оғриқ туфайли бўлмаса), буруннинг суви, бадандан чиққан тер, она сути таҳоратни синдирмайди. Шунингдек, чивин ёки бурга қанча қон сўрса ҳам, таҳорат синмайди.



# ИЙМОННИНГ ЕТМИШ ЕТТИ ШЎЪБАСИ

Имом Бадриддин Маҳмуд ибн Аҳмад Айний бундай дейдилар:

«Аллоҳнинг ёрдами ва тавфиқи или қисқа қилиб қўйидаги иймон шуъбаларини айтамиз: «Иймоннинг асли қалб или тасдиқ, тил или иқрордир. Комил ва тугал иймон уч қисмдан: тасдиқ, иқрор ва амалдан иборатдир».

*Биринчи қисм эътиқодиётлардан иборат бўлиб, ўттиз шуъбага бўлинади:*

1. Аллоҳга иймон келтириш. Бунга Аллоҳнинг Зотига, сифатларига, тавҳидига ва ўхшаши йўқлигига иймон келтиришлар киради.
  2. Аллоҳдан бошқа ҳамма нарса кейин пайдо бўлганига эътиқод қилиш.
  3. У Зотнинг фаришталарига иймон келтириш.
  4. У Зотнинг китобларига иймон келтириш.
  5. У Зотнинг пайғамбарларига иймон келтириш.
  6. Яхши-ёмон қадарга иймон келтириш.
  7. Охират кунига иймон келтириш. Бунга қабр савол-жавоби ва азоби, қайта тирилиш, маҳшарга тўпланиш, ҳисоб-китоб, Мезон ва Сиротлар ҳам киради.
  8. Жаннат ваъдасига ва унда абадий қолишга ишониш.
  9. Дўзах қўрқинчлари, азоби ва унинг фоний бўлмаслигига қатъият или ишониш.
  10. Аллоҳ таолонинг муҳаббати.
  11. Аллоҳ учун яхши кўриш ва Аллоҳ учун ёмон кўриш.
- Бунга муҳожир ва ансорий саҳобаларга, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг оли байтларига муҳаббат ҳам киради.
12. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга муҳаббат қилиш. Бунга у зот соллаллоҳу алайҳи васалламга саловат айтиш ва суннатларига эргашибиш ҳам киради.

13. Ихлос. Бунга риёкорликни ва мунофикаликни тарк қилиш ҳам киради.

14. Тавба—надомат.
15. Хавф.
16. Ражо—умидворлик.
17. Ноумидлик ва ишончсизликни тарк қилиш.
18. Шукр.
19. Вафо.
20. Сабр.
21. Тавозуълик бўлиш. Бунга катталарни ҳурмат қилиш ҳам киради.
22. Раҳмли ва шафқатли бўлиш. Бунга кичикларга шафқат кўрсатиш ҳам киради.
23. Қазога рози бўлиш.
24. Таваккул (ҳар бир нарсада Аллоҳга суюниш).
25. Мақтанчоқлик ва кибрни тарк қилиш. Бунга ўзини мақташ ва покиза қилиб кўрсатиш ҳам киради.
26. Ҳасадни тарк қилиш.
27. Ҳиқд ва гинани тарк қилиш.
28. Фазабни тарк қилиш.
29. Алдамчиликни тарк қилиш. Бунга ёмон гумон ва макр-хийла ҳам киради.
30. Дунё муҳаббатини тарк қилиш. Бунга молу мулк ва мансаб муҳаббати ҳам киради.

*Иккинчи қисм—тил амалларидан иборат бўлиб, етти шуъбага бўлинади:*

1. Тавҳидни талаффуз қилиш.
2. Қуръон тиловати.
3. Илм ўрганиш.
4. Илм ўргатиш.
5. Дуо қилиш.
6. Зикр қилиш. Бунга истиғфор айтиш ҳам киради.
7. Бехуда гаплардан четланиш.

**Учинчи қисм–бадан амалларидан иборат бўлиб, қирқ шуъбага бўлинади. Бу қисм уч на- влидир. Биринчи нав ҳар бир шахснинг ўзига хос нарсаларда бўлиб, бу ўн олти шуъбадан иборатdir:**

1. Пок бўлиши. Бунга баданинг, кийимнинг ва маконнинг поклиги киради. Баданинг поклигига таҳорат кетказадиган нарсалардан таҳорат қилиши ҳамда жсунубликдан, хайз ва ниғосдан гусл қилиши орқали покланиши киради.

2. Намоз ўқиш. Фарз, нафл ва қазо намозлар киради.  
3. Закот бериш. Бунга садака, закот, садақаи фитр, таом бериш, меҳмонни икром қилиш, сахийлик киради.

4. Рўза тутиш. Фарз ёки нафл рўза киради.

5. Ҳаж қилиш. Бунга умра ҳам киради.

6. Эътикоф ўтириш. Бунга Қадр кечасини кутиш ҳам киради.

7. Динни қутқариш. Бунга ширк диёридан хижрат қилиш ҳам киради

8. Назрга вафо қилиш.

9. Қасамларга эҳтиёт бўлиш.

10. Каффоратни адо қилиш.

11. Намозда ва ундан ташқаридан авратни беркитиши.

12. Қурбонлик сўйиши.

13. Жанозага тегишли ишларни қилиш.

14. Қарзни адо қилиш.

15. Муомалада содик бўлиш, риёдан сақланиш.

16. Ҳақ ила гувоҳлик бериш, гувоҳликни беркит- маслик.

**Иккинчи нав тобеъларга хос бўлиб, олти шуъбадан иборат:**

1. Никоҳ ила иффатли бўлиши.

2. Ахли аёлининг ҳаққини адо қилиш. Бунга ходимларга мулоҳим муомала қилиш ҳам киради.

3. Ота-онага яхшилик қилиш. Бунга оқ бўлишдан сақланиш ҳам киради.

4. Фарзандлар тарбияси.

5. Қариндошлиқ алоқаларини йўлга қўйиши.

6. Раҳбарларга итоат қилиш.

**Учинчи нав оммага таалтуқли бўлиб, ўн саккиз шуъбадан иборат:**

1. Адолат билан раҳбарлик қилиш.

2. Жамоатга тобеъ бўлиши.

3. Ишбошиларга итоат қилиш.

4. Одамлар орасини ислоҳ қилиш. Бунга хавориж ва боғий (жамоатга қарши чиқиши)ларга қарши уруш қилиш ҳам киради.

5. Яхшилик йўлида кўмаклашиш.

6. Амри маъруф, нахий мункар.

7. Ҳаддларни қоим қилиш.

8. Аскарлик ишлари ҳам шунга киради.

9. Омонатни адо қилиш.

10. Қарз ва унга вафо қилиш.

11. Қўшнини икром қилиш.

12. Яхши муомалали бўлиши. Бунга ҳалол мол топиш ҳам киради.

13. Молу мулкни тўғри сарфлаш. Бунга исроф ва бехуда сарф-харажатни тарқ қилиш ҳам киради.

14. Саломга алик олиш.

15. Акса урган кишига «Ярҳамукалоҳу» – «Сенга Аллоҳ раҳм қилсин» дейиши.

16. Одамлардан зарарни қайтариши.


17. Бехуда ишлардан четда бўлиши.

18. Йўлдаги озор берадиган нарсаларни олиб ташлаши.

Жами бўлиб, етмиш етти шуъбадир.

Бу аллома Маҳмуд ибн Аҳмад Айний раҳматуллоҳи алайҳининг ижтиҳодлари. Бу илмий ижтиҳоддан кўплаб фойда олдик. Аллоҳ таоло у кишига манфаатли илм қолдирганлари учун мукофотларини тўлиқ қилиб берган бўлсин!

Аммо бир мулоҳазамиз борки, Айний раҳматуллоҳи алайҳининг етмиш еттилиқ рўйхатларига ҳадисда очиқ-ойдин айтилган «ҳаё» шуъбаси кирмай қолибди. Албатта, у киши айтганларидек «Ҳаё»ни ҳам бирорта бобга қўшиб юборса бўлади. Аммо ҳадиси шарифда, энг олий ва энг қуий шуъбалардан кейин «Ҳаё»ни алоҳида таъкидлаб, «Ҳаё иймоннинг шуъбасидир», дейилиши бежиз бўлмаса керак. Чунки ҳаё иймоннинг энг ажойиб кўринишларидан биридир. Ҳаё инсонни доимо яхшилик қилишга, ёмонликдан четланишга чорловчи ажойиб сифатдир.



# ҚАБІБ ИБН МОЛИК



Қаъб ибн Молик (розийаллоху анху) аңсорийларнинг улуғларидан, Ясирида катта эътибор ва обрў топган кишилардан эди. У Ақоба куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салам билан аҳдлашиб, Исломга кирди. Фахри коинотнинг Бадр ва Табукдан бошқа юришларида қатнашди. Матъум сабабларга кўра, Табук юришига боролмай колган Қаъб ибн Молик, Мурора ибн Рабийй ва Ҳилол ибн Умайялар ҳакида Аллоҳ таоло «Яна қолган уч кишининг ҳам (тавбаларини қабул этди). Уларга кенг Ер торлик қилган, диллари танг бўлган ва Аллоҳ (газаби)дан фақат Унинг Ўзига қочиш Билан паноҳ топилишини билишганидан сўнг улар тавба қилувчилардан бўлишлари учун Аллоҳ тавбаларини қабул этди» (Тавба, 118) оятини тушириди. Қаъб ибн Молик Пайғамбаримиздан (алайҳиссалом) ўнлаб ҳадис ривоят қилган. Маккада вафот этган.

\*\*\*

Ухуд куни Пайғамбаримиз алайҳиссалом яраландилар, муборак юзларига жароҳат етди, пастки жағларидаги бир тишлиари синди, бошлари ёрилди. Мушриклар у кишини тошбўрон қилишди. Мусулмонлар саросимага тушиб турган шундай нозик пайтда кимдир: «Мұхәммад қатл этилди!» деб қичкирди. Бу катта ва каттиқ зарба бўлиб, мусулмонларнинг қолган куч-кувватларига ҳам футур етказди. Шу пайт Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салам мусулмонлар томонга кела бошладилар. Дубулға кийган Пайғамбар алайҳиссаломни биринчи бўлиб Каҳб

ибн Молик таниб қолди ва баланд овозда: «Эй мусулмонлар, суюнчилик! Расулуллоҳ тириклар!!!» деб қичкирди. Расулуллоҳ алайҳиссалом унга «жим» деб ишорасини қилдилар. Мусулмонлар у киши атрофларида тўпланишди. Кейин биргалашиб, душманга қарши бориш учун токка кўтарилишди.

\*\*\*

Қаҳб ибн Молик розияллоху анхудан ривоят қилинади: «У киши масжидда Ибн Абу Ҳадраддан карзини беришни талаб қилди. Шунда икковларининг овозлари кўтарилилди. Ҳатто Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уйлари ичиди туриб уларнинг овозини эшитдилар. Кейин хужралари пардасини очиб: «Эй Қаҳб», деб чакирдилар. «Лаббай, эй Аллоҳнинг Расули», деди у. «Карздан бунчасини кеч», деб унинг ярмига ишора қилдилар. «Шундай қилганим бўлсин, эй Аллоҳнинг Расули», деди. Кейин Ибн Абу Ҳадрадга: «тур, қарзни адо эт», дедилар» (Имом Бухорий, Муслим, Термизий ва Насойи ривояти).

\*\*\*

Ҳазрати Оишадан (розийаллоху анху) ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Курайшни ҳажв қилинглар. Бу улар устидан камон ўқи ёғдиргандан кўра шиддатлироқдир», дедилар ва Ибн Равоҳага одам юбориб: «уларни ҳажв қил», дедилар. У ҳажв қилиб, удалай олмади. Сўнгра у зот Қаҳб ибн Моликка, кейин Ҳассон ибн Собитга одам юбордилар» (Имом Бухорий ва Муслим ривояти).

\* \* \*

Абдуллоҳ ибн Каҳб ибн Моликдан (розийаллоҳу анху) ривоят қилинади (оталари ожиз бўлиб, кўрмай қолганларида Абдуллоҳ у кишини етаклаб юради): «Каъб ибн Молик Табук фазотига Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга нега бормай қолганларини кўйидагича изоҳлаб берганлар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қатнашган юришларнинг Табукдан бошка ҳаммасида қатнашганман. Лекин Бадрга ҳам бора олмаган эдим. Бирок унга бормай қолганлардан бирор киши айборд қилинмади. Чунки бунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳамда мусулмонлар Курайш карвонини тўсиш ниятида чиқишган эди. Аллоҳ таоло улар билан душмани ваъда қилинмаган ҳолда тўқнаштириб кўйди. Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан Ақоба кечасида бирга бўлдим. Шу куни Исломга қатъий аҳд-паймон қилдик. Аслида Бадр воқеаси кишилар орасида машҳур бўлса ҳам, мен Табук воқеасини ундан кам, деб билмайман. Табукка Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан бирга бормай қолганимнинг боиси бу вақтда ниҳоятда бақувват ва бадавлат эдим. Аллоҳга қасам, ўшангача бир туман иккита бўлмаган эди, Табук юриши пайтида иккита туман бор эди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бирор жангга боришини хоҳласалар, бошка бирига борадигандек килиб кўрсатардилар. Табукда борадиган томонларни аниқ кўрсатдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам йўлга ниҳоятда қаттиқ иссиқда чиқдилар. Сафар узок бўлиб, чўл ерлардан ўтиш керак эди. Сўнг қўп сонли душманга рўбарў бўлишга тўғри келарди. Расули акрам мусулмонлар яхши тайёргарлик қўриб, ғамланиб олишлари учун уларга қайси томонга кетаётганлари хабарини бердилар. Мусулмонлар ҳам қўп йиғилишди. Улар сони белгиланмаган эди. Аммо яшириниб қоладиган киши деярли бўлмади. Агар битта-яримта бўлса ҳам, Аллоҳ томонидан ваҳий тушмаса ўзининг беркингани маҳфийлигича қолиб кетишини ҳам билар эди.

Расулуллоҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу юришлари мевали дараҳтлар соя солиб, бу манзара одамга ёқадиган пайтга тўғри келди. Менда бундай роҳат-фароғатларга мойиллик бор эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳамда мусулмонлар сафарга яхши тайёргарлик қўришди. Мен ҳам эрта тонгда у зот ёнларига тайёргарлик килиш учун борардим-да, лекин ҳеч нарса қилмай қайтиб келар эдим. Хизмат қилиб юравердим. Жиддий тайёргарликдан сўнг мусулмонлар Пайғамбар алайхиссалом билан бирга жўнашди. Мен эса йўлга ҳеч нарса тайёрламаган эдим. Охири улар тез жўнаб кетишли, мен эса куттуғ сафарни кўлдан бой бериб кўйдим. Йўлга чиқиб, уларга етиб олишни ҳам ўйладим, аммо бу ҳам менга насиб қилмади.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам кетганларидан кейин одамлар олдига чиқдим, аммо Мадинада қолган бирор соғ мусулмонни кўрмадим. Кўчада мунофиқлар ва Аллоҳ узрли қилган заифларгина қолган эди, холос. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Табукка етиб боргунларича мени эсламабдилар. Табукда одамлар

орасида ўтириб: «Каҳб ибн Моликка нима бўлди?» деб сўрасалар, Бани Саламадан бир киши: «Эй Аллоҳнинг Расули, унинг бадавлатиги бу ерга келишидан тўсиб кўйди», дебди. Муоз ибн Жабал унга: «Мунча ҳам ёмон сўз айтмасанг, Аллоҳга қасам, эй Расулуллоҳ, биз унинг факат яхши томонини биламиз», дебди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам сукут қилган ҳолда турган эдилар, узокда бошдан-оёқ оқ кийинган бир киши кўринибди. Олдинига уни сароб ҳам деб ўйлашибди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Абу Хайсаммикин?» дебдилар. У хақиқатда Абу Хайсама ал-Ансорий экан. Бу одам бир сөз хурмо садақа килганида мунофиқлар айблашган эди».

Яна Каҳб ибн Молик айтадилар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Табукдан қайтганлари хабари келганида мени фам боса бошлади. Шунда баҳоналар излай бошладим. «Эртага нима деб у зотнинг ғазабларидан кутубиб қолсан бўлади?» деб ўзимча ўйлар эдим. Ақли кишилардан ёрдам сўрадим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам етиб келганлари маълум бўлганида мени ёмон хаёллар тарк этди. Билдимки, бу зотдан асло кутула олмас эканман. Охири рост гапиришга аҳд қилдим.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам эрта тонгда шаҳарга етиб келдилар. Агар сафардан қайтсалар, аввал масжидга кириб икки ракат намоз ўқир, сўнгра кишилар билан учрашишни одат қилган эдилар. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Кейин жойларига келиб ўтирганларида Табукка бормай қолганлар у зотга узр айтиб, қасам ича бошлашди. Улар саксон кишидан ортиқ эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам уларнинг узрларини қабул қилдилар ва истифор айтдилар. Уларнинг ички ҳолатларини Аллоҳга ҳавола қилдилар. Мен ҳам у зот ҳузурларига келиб салом бердим. У зот менга сал ғазабнок ҳолатда табассум қилдилар. Сўнгра: «Кел», дедилар. Мен юриб келиб, олдиларига ўтирдим. У зот менга: «Нима сабабдан биз билан бормай қолдинг ёки боришига улов сотиб ололмадингми?» деганларида, мен: «Эй Аллоҳнинг Расули, Аллоҳга қасам, сиздан бошка бирор кишининг ҳузурида эканимда унинг ғазабидан узр билан кутубиб кетар эдим. Чунки мен жуда сўзамол одамман. Аллоҳга қасам, агар бугун сизга ёлғон гапирсам, мендан рози бўлишингизни ҳам биламан. Бирок тез фурсатда Аллоҳ ғазабига учрашдан кўрқаман. Агар сизга ростиши айтсан, ўзим сизни ғазаблантириб кўяман. Аллоҳдан яхши оқибат умидидаман. Аллоҳга қасам, менда узр йўқ. Сиз билан бирга бормай қолган пайтимда ҳар галгидан кувватли ва бадавлат эдим», дедим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Бу киши хақиқатда рост гапириди. Тур, то Аллоҳнинг ҳужми келгунча кут», дедилар. Бани Салама қабиласидан бўлганлар орқамдан эргашиб: «Аллоҳга қасам, биз бундан олдин гуноҳ қилганингни билмаймиз. Сен сафарга бормаган бошқалар каби узрабаҳона айтмадинг. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам истифорлари гуноҳингга кифоя қиласи», дейишди.

Улар мени маломат қилишаверди. Ҳатто Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига қайтиб бориб, ёлғон гапирсаммикин, деб ўйладим. Сўнгра уларга: «Бундай узр билан мендан бошка бирор киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келдими?» деб-

сам, улар: «Ўа, икки киши келиб, сенинг гапингни айтди. Сенга берилган жавоб уларга ҳам айтилди», дейишиди. «Улар ким экан?» десам, улар: «Мурора ибн Рабийъ ал-Амрий ва Хилол ибн Умайя ал-Воқифийлар», дейишиди. Айтилганларнинг иккови ҳам солих кишилардан бўлиб, Бадр иштирокчиларидан эди. Улар эргашибга муносидир, деб қароримдан қайтмадим.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Табукка бормай қолганлардан биз – уч киши билан гаплашишин одамларга тақиқлаб қўйдилар. Шунинг учун халқ биздан ўзини тортди. Ҳатто ер ҳам кўзимга бошқача кўринарди. Мана шу ҳолатда жами эллик кунни ўтказдик. Аммо икки шеригим ожизлик кўрсатишиди. Улар уйларида ўтириб олиб, факат йиглашарди. Мен эса қавмнинг ёши ва бардошлиси бўлганим учун мусулмонлар билан бирга намозда иштиrok этар эдим. Яна бозорларни ҳам айланардим. Ҳеч ким мен билан гаплашмас эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига ҳам борар эдим. У зот намоздан кейин бўладиган мажлисда ўтирганларида бориб салом берардим-да, ўзимча: «У зот саломиминг алик олаётib, лабларини қимирлатдиларми ёки йўқми?» дер, буни аниқлаш учун у зотга яқин ерда намоз ўқир эдим. Шу аснода ўгринча назар солардим. Агар намозга юзлансан, у зот менга назар солардилар. Агар у зот томонга қарасам, мендан юз ўгириб олардилар.

Мадина бозорларида юрсам, шаҳарга дон сотгани келган Шом дехқонларидан бири: «Ким менга Каъб ибн Моликни кўрсатиб қўяди?» деди. Одамлар менга ишора қилишиди. У олдимга келиб Fasson подшоҳи томонидан битилган бир мактубни узатди. Унда қуидагилар битилган эди: «Бизга хабар етдики, дўстинг сенга жафо қилибди. Аллоҳ хўрлик ва зулмга дучор бўлинадиган ерда туришга мажбур килмаган. Ҳузуримизга кел, биз сенга тасалли берамиз». Мактубни ўқиган пайтимда «Бу ҳам мусибат-фитналарнинг бир кўринишидир», дедим. Мактубни тандирда ёқиб юбордим.

Қирқ кун ўтди, ваҳий тўхтаб қолган эди. Ногаҳон Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларидан бир элчи келиб: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам хотинингдан алоҳида бўлишни буюряптилар», деди. Мен: «Нима қиласай, талогини берайми?» дедим. У: «Фақат алоҳида бўл, яқинлашма», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ҳукмни нариги икки биродаримга ҳам юборган эдилар. Мен хотинимга: «Сен уйингга бор, то Аллоҳ томонидан ҳукм тушгунича ўша ерда тур», дедим. Хилол ибн Умайянинг хотини Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келиб: «Эй Аллоҳнинг Расули, Хилол ибн Умайя бечора қари киши, хизматкори ҳам йўқ. Унинг хизматини қилишимдан норозимисиз?» деса, у зот: «Йўқ, лекин у сенга яқинлик қилмасин», дедилар. Буни эшитган хотин: «Аллоҳга қасам, бунинг имкони ҳам йўқ, бечора эрим шу воқеадан бери ҳозиргача фақат йиглаш билан овора», деди.

Мана шу ҳолатда яна ўн кун ўтди. Гаплашиш ман қилинганининг эллигинчи куни уйим томида бомдод

намозини ўқидим. Намозда ўтирган ҳолимда Аллоҳни зикр қилдим. Юрагим сиқилиб, кенг ер торайиб кетгандек бўлиб турган бир пайтда ногаҳон (Абу Бакр Сиддиқнинг) бир тепаликка чиқиб олиб баланд овозда: «Эй Каъб ибн Молик, хурсандлик хабари», деб бакираётганини эшитдим. Хурсандчилик соати келганини билиб, шу заҳоти саждага йикилдим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бомдод намозини ўқиб бўлгач, Аллоҳ бизларнинг тавбамизни қабул этганини ўзлон қилибдилар. Одамлар мен ва икки биродаримга хурсандчилик хабарини етказишига шошилишибди. Бир киши олдимга от чоптириб келди. Аслам қабиласидан яна бир киши пиёда келди. Бу киши тоғ ошиб келиб, баланд овоз билан хушхабар берди. Севинганимдан хушхабар келтирган кишига устимдаги икки қават кийимимни ечиб, кийдириб қўйдим. Аллоҳга қасам, ўша кунларда булардан бошқа кийимим ҳам йўқ эди. Эгнимга қарзга уст-бош олиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига жўнадим. Одамлар йўлда тўда-тўда бўлиб тавба қабул бўлгани билан мени табриклишарди. Улар менга: «Аллоҳ таоло тавбангни қабул қилгани билан табриклаймиз», дейишар эди.

Масжидга кирдим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам атрофларида одамлар билан ўтирган эканлар. Шунда Талҳа ибн Убайдуллоҳ (розийаллоҳу анху) югуриб келиб, мен билан кўш кўллаб сўрашиб табриклишарди. Аллоҳга қасам, Талҳадан бошқа бирор муҳожир ўрнидан турмади. Сўнг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга салом берсан, у зот хурсанд бўлганиларидан юзлари ёришиб кетди. У зот: «Туғилганинг энг яхшисида сенга хурсандлик хабарини бераман», дедилар. «Эй Аллоҳнинг Расули, бу хушхабар сиз тарафингизданми ёки Аллоҳ томонидан?» десам, у зот: «Йўқ, бу Аллоҳ азза ва жалла томонидан», дедилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам агар хурсанд бўлсалар, юзлари шу даражада нурланиб кетардики, гуёки ой парчасига ўхшаб қоларди. Биз буни билар эдик.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам олдиларига ўтириб: «Эй Аллоҳнинг Расули, тавбаминг қабул этилгани учун барча молларимни Аллоҳ ва Унинг Расули йўлига садақа қиласаман», десам, у зот: «Молингнинг бир қисмини ўзинг учун олиб қўй, шунда яхши бўлади», дедилар. Мен: «Хайбардаги улушимни олиб қоламан. Эй Аллоҳнинг Расули, албатта Аллоҳ ростгўйлигим сабабидан нажот берди. Энди тавбаминг натижаси ўлароқ умримнинг қолган қисмидаги рост гапирай. Аллоҳга қасам, рост сўзлаганим учун Аллоҳ менга берган фазл-инҳомини бошқа ҳеч кимга қиласаман», дедим. Аллоҳга қасам, Расулуллоҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу сўзларни зикр қиласамандан бери шу кунгача бирор қалима ёлғон ишлатмадим. Аллоҳ қолган умримда ҳам ёлғондан сақлашини умид қиласаман» (Имом Бухорий ва Муслим ривояти).

Анвар АҲМАД.

# АМРИ МАЪРУФ ВА НАҲӢИ МУНКАР

Араб тилидаги бу сўз “яхшилика буюриш ва ёмонликдан қайтариш” маъноларини билдиради. Ҳанафий мазҳаби уламолари бу иш билан шуғулланишни оятни карималар (Оли-Имрон, 104;110), (Моида, 79) ва бир неча ҳадиси шарифлардан далил келтириб, ҳар бир мусулмонга бирламчи фарз (фарзи айн) деб таъкидлашган.

Киши ўз оиласини, фарзандларини диний эътиқод, ҳалоллик ва пок ахлоқда тарбиялаши (амри маъруф сифатида), шариатга ва инсонийликка терс ишлардан қайтариши (наҳӣи мункар сифатида), албатта, бирламчи фарзидир.

Мўмин фақат ўзини ўйлайдиган (худбин) бўлмайди, балки у ўзига етган яхшилик (ҳар бир яхши-ёмон ишни Аллоҳ, таоло ўз дини орқали баён қилиб, чегаралаб кўрсатиб қўйган) бошқаларга ҳам етишини хоҳлайди (Тавба, 112). Фақих Абу Лайс Самарқандий (раҳматуллоҳи алайх) бундай деганлар: «Гапирган гапларини бошқалар қабул қилишини билса, гапириш вожиб, уриб-сўқишиларини билса, гапирмаган афзал. Аммо бунга сабр қилган киши муҳоҳидлар ва пайғамбарлар йўлидадир».

Яхшилика чақиришнинг (амри маъруф) мақоми қилиниши зарур нарса мақоми билан тенгdir. Яъни, қилиниши зарур нарса фарз бўлса, унга чақириш ҳам фарз; суннат бўлса, у ҳам суннат; мандуб бўлса, у ҳам мандуб. Аммо ёмонликдан қайтариш (наҳӣи мункар)ларнинг ҳаммаси (ким бўлишидан қатъи назар, ёмонликнинг олдини олишга қўлдан келганича ҳаракат қилиш) вожиб. Чунки ёмон феълни ташлаш вожибdir. Бу вазифани бажарадиган киши ҳеч кимсадан кўрқаслиги керак. Чунки, ҳақиқий мўмин қўрқиши лозим бўлган ягона мунособ Зот – Аллоҳдир (Тавба, 13).

Абу Лайс Самарқандий (раҳматуллоҳи алайх) бундай деганлар: «Яхши ишларга буюрувчилар шу ишни холис Аллоҳ таоло учун, динни улуғлаш ва юксалтириш учун қилиши лозим. Ўзини кўрсатиш, обрў қозониш ёки кеккайиш учун қилса, бўлмайди. Албатта, яхшилика чақириш ва ёмонликдан қайтаришда ёлғиз Аллоҳнинг розилигини, динни азиз қилишини қасд этса, Аллоҳ таоло унга ёрдам беради, ишларни мувофиқ қилиб қўяди. Агар нияти ўзининг нағсини кўрсатиш, такаббурлик бўлса, Аллоҳ уни хор қилиб қўяди».

Ўтмишда ўтган машайхлар ўғилларига бундай насиҳат қилишарди: «Орангизда кимда-ким яхшилик қилиш ва ёмонликдан воз кечиш кераклигини одамларга айтмоқчи бўлса, нағсини сабр билан куроллантириб олсин. Ва бунинг савобини Аллоҳдан кутсин. Ким Аллоҳ берадиган савобни етарли деб билса, одамлардан келадиган ноҳақ жавобларнинг аҷиғини ҳис қилмайди».

Суфён Саврий (розийаллоҳу анху) дедилар: «Агар қўшнисига яхши кўринган ва дўстлари олдида мақталган қорини кўрсанг, бил: ўша киши хушомадгўй, лаганбардордир». Яъни, киши одатда ўзининг қўни-қўшниси ва биродарларининг хатосини ва камчиликларини айтиб, тўғрилаб юришга буюрилган. Агар қўни-қўшнисининг хато-камчиликларини айтмаса, демак, улар уни яхши кўришади. Худди шу каби, ёр-биродарларининг ҳам хато-камчиликларини айтиб, тўғрилаб юрмаса, улардан фақат мақтовлар эшитади. Чунки инсон табииати агар исломий рӯҳ билан сурорилмаган бўлса, ундаги бирор хато-камчиликни тузатган кишини яхши кўрмайди. Аллоҳ таоло яхши ишларга буюрмайдиган, ношаръий ишлардан тўсмайдиган қавмларни ёмонлаган.

Амри маъруф (яхшилика чақириш) учун лозим бўладиган нарса, агар қодир бўлса, ёлғизлик вақтида буюришдир. Шундай қилса, насиҳат ва мавъизаси таъсирлироқ бўлади. Абу Дардо (розийаллоҳу анху) дедилар: «Ўзининг биродарига ошкона насиҳат қилган одам биродарини ёмонлабди, уни яшириб

(одамлардан ҳоли жойда) қилган бўлса, уни яхшилабди. Агар насиҳат у ёлғизлигига фойда бермаса, уни ошкора буюради, гуноҳдан уни узоклаштириш учун солиҳ ва яхши қишилардан ёрдам сўрайди. Агар солиҳлар, яхшилар бу ишни қилмасалар, гуноҳкор улардан устун келса, кейин уларга азоб келиб, ҳаммалари ҳалок бўлишади».

Пайғамбаримиздан (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) қўйидаги мазмундаги ҳадиси шариф ривоят қилинади: «Сизлардан биронтангиз мункар (ношаръий) ишни кўрса, уни бу ишдан қўли билан қайтарсин, агар қодир бўлмаса (хитоб қилинувчи шахс ўзидан кучли бўлиб, қўли билан қайтара олмаса), тили билан қайтарсин. Агар бунга ҳам кучи етмаса (молидан, жонидан кўрқса), кўнгли билан (мункар ишларни юракдан ёмон кўриш ҳар бир мусулмон зиммасига вожибdir) қайтарсин. Бу (юракдан ёмон кўриш) имоннинг энг заиф дараҷасидир. (Буни ҳам кила олмайдиган кимсада ҳардалнинг уруғича ҳам имон йўқ)».

Демак, имони мустаҳкам ва кучли киши ёмонликни асло қабул қилмас, унга кўнмас, ундан қайтарар экан. Имони заиф киши эса, ёмонликни оз ва ожизона инкор қилар экан. Имониз жамиятда ёмонлик кўпайиши муқаррар. Яхши жамият ёмонлик тарқалишига йўл қўймайди. Ёмонларнинг ёмонлигига индамай қараб туравериш уларга шерик бўлиш билан баробардир. Баъзи уламолар: «Қайтариш амирлар учун қўл билан, олимлар учун тил билан, уммийлар учун дил биландир», дедилар. Ким шуларга қодир бўлса, ўшалардан бири билан қайтариши вожиб бўлади. Уламоларимиз таъкидлашларича, яхши ишларга буюрувчи киши беш нарса керак бўлади: 1. Илм. Чунки жоҳил амри маъруф ва наҳӣи мункарни чиройли қила олмайди. 2. Аллоҳ таоло розилигини ва динни кучайтиришни қасд қилиши лозим. 3. Бу ишларни бажарувчи раҳмдил бўлиши, буюрганда ҳам юмшоқлик билан дўстона буюриши керак бўлади 4. Сабр, мулојимлик. 5. Ўзи буюрган нарсаларга амал қилиши, амал қилиш билан бошқаларга ибрат бўлиши даркор.

Ҳадиси шарифларга кўра, амри маъруф ва наҳӣи мункарни тарқ қилган қавмга етадиган кўпдан-кўп бало-офтатлардан бири уларнинг дуоси қабул бўлмай қолишидир.

## Сайфуллоҳ Абдуллоҳ ўғли АШУРОВ тайёрлади

- 1) Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири (қайта ишланган 2-нашри). Таржима ва тафсир муаллифи Шайх Абдулазиз Мансур. «Тошкент Ислом Университети» 2007, 63-б.; 2) «Ислом». Энциклопедия. Т., «Ўзбекистон миллий энсиклопедияси» нашриёти, 2004, 296-б.; 3) Аҳмад Зиёуддин ал-Кумушхонавий. «Жомъиъут мутун». Т., «Мовароуннаҳр», 2000, 178–181-б.; 4) Ал-Фақиҳ Абу Лайс ас-Самарқандий. “Танбехул фоғилин” (Faflatdan уйғотиш). Т., «Мовароуннаҳр», 2007, 90–99-б.; 5) Абу Ҳомид Фаззолий. “Мукошафатул қулуб” (Қалблар қашфиёт). Т., «Янги аср авлоди», 2004, 64–69-б.; 6) Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. “Ҳадис ва Ҳаёт”. Зуҳд ва рақоқиқлар китоби. 36-жуз. Т., «Шарқ», 2008, 281–301-б.



# ИНОЯТУЛЛОХ ЛАНГАРИЙ

Сайид Улуғхўжа ибн Ниёзхўжа ибн Абдусамадхўжа эшон хонадонларида 1836 мелодий йили некбаҳт фарзанд дунёга келди. Аллоҳнинг инояти деб унга Иноятуллоҳ исмини кўйишди. Сайид Улуғхўжа замонанинг етук олимларидан ва тариқат аҳлининг пешволаридан эдилар. Оналари эса ҳофизаи Каломуллоҳ бўлиш билан бирга, мумтоз адабиётнинг чин муҳлиси эдилар. Сўфи Оллоъёр, Аҳмад Яссавий, Машраб, Ҳофиз асарларини деярли ёд билар эдилар. Мирзо Бедил асарлари мутолаасида эрлари Улуғхўжа эшон билан баҳслаша олганлари форс тилини мукаммал билганларига далолат қиласди. У зот маҳалла киз-жувонларига муаллиматик қилганлар. Такво ва эътиқодда якто эдиларки, Иноятхўжани бирор марта узрсиз бетахорат эмизмадилар. Бешикдаги гўдакларини алла ўрнига Қуръон тиловат қилиб ухлатдилар.

Ота-онанинг тақвоси, бешубҳа емиш тановули, ҳовлидаги кун бўйи ўқиши-ўқитиш жараёни сабаблими, Аллоҳнинг иродаси билан Иноятуллоҳ олти-етти ёшда туркӣ ва форсий саводини чиқариб, саккиз ёшда мураттаб қори бўлди. Оналаридан сут билан ўтган шеъриятга ҳавасмандлик мумтоз адабиётни ўрганишга унади. Бир неча шеърий машқларини ўқиб кўрган оталари Иноятуллоҳга “Лангарий” таҳаллусини муносиб кўрдилар. Ўн уч ёшга киргунга қадар отадан сарф-нахъ қоидаларини ўқиб, “Кофия”дан таълим олди, “Мухтасар”, “Ҳидоя”, “Шамсия”ни ҳам ўрганишга улгурди.

1849 йили оталари вафот этдилар. У зотнинг васиятларига биноан, Иноятуллоҳни Азизхўжа эшон васийликка олиб, тўрт йил Хўжа Амин масжиди қошидаги мадрасада ўзлари таълим бердилар. Иноятхўжага ота-оналаридан сўнг биринчи устозлари шу киши бўлди.

1853 йили устоз ёш Иноятуллоҳдаги ноёб истеъдодни сезиб, бухоролик дўстлари – таникли олим, машҳур мударрис Икромча домлага илтимоснома ёзиб, уни ўша ерга ўқишига жўнатди. Иноятуллоҳ Бухородаги Кўкалдош мадрасасида саккиз йил таълим олди. Бу давр мобайнита бир неча марта илмий мусобақаларда қатнашиб голиблик нашидасини сурди. Шаҳарнинг аҳли илмлари орасида танилди. 1861 йили ўқишини тугаллаб, қозилик ва мударрислик килиш хуқуқини берувчи иршодномани олди.

Наманганга қайтиш тараддудини кўраётган пайтида Бухорода Туркистон уламоларининг катта анжумани ўтказиладиган бўлиб қолди. Икромча домла шу анжумандан сўнггина унинг ватанга қайтишига ихтиёр берди. Анжуман Ситораи Моҳи хосада, амир хузурида бўлиб, унда таникли уламо ва фузалолар маъруза ўқишиди. Аксари маърузаларнинг якуний қисми мусулмонларни бирдамликка чакириш даявати билан тугалланар эди. Бу эса ўша пайтда Русия кўшинлари Ўрта Осиё остонасига бостириб келаётгани туфайли Туркистон зиёлиларининг ташвишда эканидан далолат бериб турарди. Амирнинг бу анжумани ўтказишдан мақсади ҳам шу хусусда ҳалқ оммасини асосан бир йўлга етаклай оладиган дин пешволарининг фикри ва қувватини чамалаб кўриш эди.

Анжуманнинг иккинчи қисмida, одатга кўра, саволжавоблар қилиниб, голиблар аниқланиши ва тақдирланиши керак эди. Қўқондан ташриф буюрган уламолар пешқадами сайид Убайдуллоҳ Миён ҳазратлари ёнларидан бир китоб олдилар. Белгиланган саҳифасини очиб, шарҳлаб бериш учун мажлисли бошқариб турган Икромча домлага узатдилар. До-мла китобга назар ташлаб, Миён ҳазратларига юзландилар:

– Менинг бир илм толиби шогирдим бор. Ўша жавоб берса майлими?

Ҳазрат ижобат қилдилар. Ўтган асрда Наманганда яшаб ўтган мўътабар устозлардан Кароматхон эшон нақл қилишларича, Иноятуллоҳ мажлис аҳлига чой ташиб хизмат қилиб юрган эди. Икромча домланинг ишоралари билан дарров китобни кўлга олди. Китоб “усули фикҳ” илмини ўрганиш дастурларидан “Тафсири Манор” эди. Иноятуллоҳ унинг шархи “Манорул Анвор”ни ҳам обдон мутолаа қилган эди.

У китоб саҳифасига бироз кўз югуртириб чиқиб, ёпди. Кўзларига суртиб, сўнг кўксига босганича сўз бошлади. Ўша саҳифани ёддан ўқиб, ҳар бир жумлага равон, чиройли услубда, тушунарли шарҳ айтди. Нутқидаги ибора ва жумлаларнинг ифодасини тасдиқлаш мақсадида, оятнинг маъносини янада тушунарли, мукаммалроқ шарҳлашга ҳаракат килиб, бошқа-бошқа оятлардан ҳам далиллар келтирди. Ҳар кайси оятнинг сабаби нузулига тўхталиб, унга тўғридан-тўғри алоқадор ҳадисларни ўқиди. Ҳадис ровийларини номбаном келтириб, уларнинг сийратларини баён этди. Оятлар маъносига машҳур муфассирларнинг фикрларини келтирди. Валлоҳу аълам, оятлар мазмуни омонатга хиёнат қиласмилик, одамлар орасида адолат билан ҳукм чиқариш, ўзларидан бўлган бошлиқларга итоат қилиш амри эди. Аллоҳнинг бу амрларини бажариш нақадар зарурлигини изоҳлар экан, акс холда мусулмонлар бошига оғир мусибатлар тушиши мумкинлигидан огоҳ этди. Бунга Исломдан аввалги ва кейинги, бинобарин, яқин ўтмишдаги содир бўлган воқеалардан мисоллар келтирди. Бу мудхиш воқеаларнинг аниқ саналарини ва сабабчиларини исмларигача зикр қилди. Воқеалар шундай ишонарли ва таъсирчан ҳикоя қилинди, мажлис аҳлига худди кўриб турилганидек туюлар эди.

Иноятуллоҳ бу билан нафақат етук факих, аҳли тафсир, ҳадисхон, балки ёддош, мулоҳазали муаррих, нуктадон воиз эканини исботлади. Бутун Туркистоннинг машҳур олимлари олдида бир оят маъносини соатлаб шарҳлаш билан юксак истеъдод ва иқтидор соҳиби эканини намоён этди. Миён ҳазратлари ўрниларидан туриб, Иноятуллоҳнинг пешонасидан ўпдилар. Бошини силаб, ҳакқига дуои хайр қилдилар. Қўлларидағи тасбехни тухфа этдилар (Бу тасбех ҳозирда укамиз Олимхўжада табаррукона сақланади).

Анжуманнинг бехосдан, кутилмагандан содир бўлган “Иноятуллоҳдан имтиҳон олиш” қисми тугалланиб, уламолар ҳайъати тавсиясига кўра, амирнинг олий фармони билан Иноятхўжага “Шайхул-ислом” унвони берилди, сарполар кийдирилди. Бу билан Туркистон осмонида яна бир порлок юлдуз пайдо бўлгани эътироф этилди. Амир Иноятуллоҳга саройдаги муносиб бир лавозимни таклиф этганида, ҳали талаба эканини рўкач қилиб узр айтди. Фақат амирлик тасаруфидаги кутубхонадан фойдаланиб туришга руҳсат сўради. Амир қабул қилди ва алоҳида маош ҳам тайинлади, “Иноятуллоҳ менинг химоямда”, деб эълон қилди.

“Шайхул-ислом” унвони одатда жуда юксак илм соҳиби, бир қанча шогирдларни тарбиялаб вояга етказган, китоблар тасниф этган зотларгагина берилар эди. Бундай илтифот ва марҳаматга янада муносиброк бўлиш илинжи Иноятуллоҳни яна салкам уч йил Бухорода қолиб кетишига мажбур этди. У зот кундузлари кутубхонада мутолаа қилар, кечалари шаҳарнинг турли гўшаларида бўлиб, тушуммаганларини ўша

жойдаги фан билимдонларидан сўраб ўрганарди. Натижада деярли кирмаган кўчаларию, сухбатини олмаган устозлари қолмади, хисоб. Кутимагандан онаси бетоб бўлиб қолгани сабабли, Намангандаги қайтиши лозимлиги ҳақида хабар келди.

1863 йили ёш олим амирнинг руҳсати, устозларининг оқ фотиҳаси билан она юрга қайтди. Иноятуллоҳнинг ақлидроки, заковати, илм ўрганишдаги тиришқоғлиги, сабр ва иродаси, қувваи ҳофизасини кўрган Бухоро олимлари: “Иноятуллоҳ Бухоро илмининг ярмини юргига олиб кетди. Ду чорак китобни ёд билар эди,” деб таҳсин ўқишган экан. (“Чорак” сўзи ботмоннинг тўртдан бири, бир ботмон 10-11 пуд, “ду чорак” 80-85 килони англатади).

Иноятуллоҳ оналарига аёл кишининг парвариши лозимлигини сезиб, Ибодатхонойим момомизга уйландилар. Оталари ўйлини давом эттириб, Ҳазрати Лангар масжида мударрислик ва имом-хатиблик фаолиятини бошлаб юбордилар. Маърузаларининг таъсирчанлиги, дарсларини ниҳоятда пухта, тушунарли, латофат бирла ўтишлари тез орада Намангандаги машҳур қилиб юборди. Шогирд ва мухлислар кундан-кунга кўпайиб борди. Бухоро анжуманидаги икки қалбни бир-бирига боғлаган муҳаббат риштаси Иноятуллоҳни Кўқон шаҳрига тортиди. У ерга тез-тез бориб Миён ҳазратларидан сабоқ олиб турдилар. (Баъзи манбаларда Кўқон мадрасаларининг бирида ўқиганлар, деб зикр қилиниши шундан бўлса керак). Илм мажлисларида иштирок этиб маърузалар ўқидилар. Кўқон хонлиги бўйлаб Иноятуллоҳ Лангари номи билан шуҳрат қозондилар.

1865 йили Миён ҳазратларининг тавсиялари билан Худоёрхон йигирма тўққиз ёшли Иноятуллоҳ Намангандаги уламолар раиси, Азизхўжа мадрасасига бош мударрис этиб тайинлади. Бу фармонни омма орасида эълон қилиш ва ижросини таъминлаш мақсадида Миён ҳазратлари Намангандаги ташриф буюрдилар. Маросим ўтказилгач, эртаси кун эрталаб, Иноятуллоҳ янги туғилган чакалоқни ҳазрат хузурларига олиб кирадилар. Табарукона азон чакириб исм кўйиб беришни илтимос қилдилар. Ҳазрат гўдакка Убайдуллоҳ деб ўз исмларини кўйиб, танглайнини кўтариб кўйдилар.

Иноятуллоҳ янги лавозимларининг масъулиятидан келиб чиққан ҳолда, аввал мадраса ва масжидларининг фаолиятини яхшилашга харакат бошлаб юборди. Уламолар ҳайъатини тушиб, бир катор мударрис ва имомларнинг илмий ва исломий салоҳиятларини кўриқдан ўтказди. Вакф, закот, ушр каби даромадларнинг йигилиши ва тақсимланишини тафтиш эттириди. Куръон, хадис, фикҳ билимдонларига юксак эҳтиромда бўлди. Куръони Каримни ёд олган қориларни хаддан зиёда хурматлаш билан бирга, улардан тартил ва тажвид қоидаларига риоя қилишни қаттиқ талаб қиласи эди.

Булардан ташқари ора-оралатиб жума куни бозор ва расталарни айланар, тош-тарозуларни текширилар, хунармандлардан ҳам савдо-сотиқ ишларидан бай қоидаларига амал қилишни талаб этар эди. Камчилик топилса, танбех берилар ва сазои қилдирилар эди. Қозихонада чиқарилган ҳукмлар ихтилоғга учраса, Иноятуллоҳ хузурида ечилиб, ноҳолислик барҳам топар эди. Маърифий, ижтимоий, иқтисодий ва бошқа ишларда шариат қонун-қоидалари асосий мавқега эга бўлгани сабабли, Иноятуллоҳнинг ҳақгўйликлари шуҳрати тез фурсатда бутун омма орасида кенг тарқалиб кетди. Ахли илм ва толиби илмлар назарида бу зот Хилватийнинг таърифи алфозлари билан айтганда, “Иноятуллоҳ доно, уламолар афзали, ўз асри ва даврининг комили, тенгдош ва яқинлари ичиди яккаю-ягона...” эдилар. Авом ҳалқ у зотга алломалар улуғи, ҳақиқатпарвар, ростгўй, мард инсон деб мухлислер киласи эди.

Хуллас, мазкур тадбирлар натижаси ўларок, мадрасалар-

да ўқитишишлари бирмунча жонланди. Толиби илмларнинг яшаш шароитлари яхшиланди. Масжидлар ободонлашиб бозорлarda қаллоблик, алдамчилик камайди. Лекин бу дегани Лангаридан юз фоиз ҳамма хурсандлигини билдирамасди. Бир неча аламзада, ҳасадгўй рақиблар иғво ва фитна қилиш ўйлига ўтдилар. 1866-1867 йиллари Лангари устидан шикоят қилиб Худоёрхонга бир неча бор шикоятлар ёзилди ва ҳар гал Аллоҳ бу зотни хон газабидан асрар қолди. Ҳатто шикоятлардан безор бўлган хон бир гал бобокалонимизни Шаҳрихонга умрбодликка бадарга (сургун) қилди.

У ерда икки йилга яқин умргузаронлик килдилар. Шаҳар мадрасасида дарс бериб, ўз атрофларига нафақат маҳаллий, балки Андижон, Марғилон, Қўқон, Намангандаги толиби илмларни йигиб олишга улгурдилар. Жойнамоз афандим, Сирожиддин маҳдум, Мулла Отахон кабилар шулар жумласидандир.

Иноятуллоҳ Намангандаги охири оғасларигача илмий маврифат тарқатиш билан машғул бўлдилар. Намангандаги қайтгач, бир вақтнинг ўзида Азизхўжа эшон мадрасасида, Хўжа Амин ва Ҳазрат Лангар масжиди кошидаги мадрасаларда дарс бердилар. Қисқа вақт ичиди кўплаб иқтидорли олимлар етишиб чиқиб, водийнинг турли мавзеларида, диний муассасаларида қозилик, аъламлик, мирзолик, мударрислик лавозимларига тайинландилар. Лангариининг тавсия ва хуласалари битилган ёрликлар (иршодномалар) Мавороннахарда эътиборли саналар эди. Фақатгина Намангандан Жунайдуллоҳон тўра, Собитхон тўра, Яхҳон тўра, мулла Нуриддинхон тўра, мулла Нуриддинхўжа, Муҳаммадхон тўра, Ҳазрат Авлиё домла, Нодим Наманганий, Исҳоқхон тўра Ибрат, Мулла Йўлдош Хилватий, Камолхўжа эшон, Ахрорхўжа аълам, Мирзо Юнус Зарринқалам, мулла Жалолқори пешқадам, Сирожиддин маҳдум каби юзлаб иқтидорли олимлар етишиб чиқдики, ҳозирги давримизда ҳам улар етиштирган кўччатлар мевасидан баҳрамандмиз. Бунда Иноятуллоҳ Лангариининг узоқ ва машқатли меҳнатлари маҳсули борлиги беиштибоҳдир.

Афсус-надоматлар бўлсинки, 1876 йили Лангарига яна бир бор хуруж қилинди. Бир ҳасадгўй ноинсоғининг буюртмаси билан ўз мулоҳизмларидан бирни заҳарлаб жонларига қасд қилмоқчи бўлди. Маргимуш сотган баккол зийраклик қилиб қолди. Харидори ёш йигитча таниш туюлди. Бирордан сўнг Лангари хузурларида кўрганини эслаб қолиб, бошидан “капалаги” учеб кетди. Дўконини қолдириб Лангари хузурларига югурди. Дастанурхонга тортилган таом ейилмай қолди. Текшириб кўрилганда заҳар солингани исботини топди. Бундан хабар топган шаҳар аҳли жумбушга келди. Вазият қалтис тус олди. Бу воқеа ровийлар айтишича, руслар ҳокимиёт тепасига келганига бир йилдан ортиқроқ вақт ўтганда содир бўлган эди. Ҳалқ ҳали мустамлакачилик шароитига қўнига олмаган, рус ҳокимилиги ҳам мустахкам ўрнашиб олишга улгурмаган эди. Намангандаги рус ҳокими Арвонтак Лангари билан сухбатлашганда, бу воқеа юзасидан текширув ўтказиб, жиноятчиларни жазолашини айтди. Лангари эса, табассум қилиб, уларни аллақачон афв этиб, ҳатто дастурхонлари четидан жой берганларини изҳор этдилар. Бу хабар бошқалар каби рус амалдорини ҳам таажжублантириди. Бу хусусда ривоят қилувчи салафларимизнинг турлича таҳмин-мулоҳазалари бор. Бирлари: “Рақиб томонида ҳам бир неча нуғузга эга қишилар бор эди. Лангари шу баҳона билан кўп қон тўқилишини истамаганлар,” деса, бошқа бирлари: “Мусулмон бўлатуриб мусулмондан гайридинга шикоят қилишни ўзларига эп кўрмаганлар”, дейишади. Бошқалар эса: “Лангари ҳар бир яхши-ёмон ишни Аллоҳнинг қадаридан

деб билганлар. Нодонлик билан бу ишни қилған одамларга панд-насиҳат қилиш билан кифояланғанлари ҳалимліклари нишонаси,” деб таҳсинар айтишган.

Кези келганды шуну ҳам айтыв құйайлық, баъзи ишончли ривоятларга күра, ўша даврдаги рус хокими Арвонтақ 1855-1859 йиллари маҳсус рус мәхкамаси топшириғи билан Бухорога келиб, Лангарий билан бир мадрасада ўқиган. У Ўрта Осиё ҳалқининг тили, урф-одати, диний ақидаларини, давлат тизимидағи заиф ва мустаҳкам бўғинларини ўрганиш учун юборилган жосус эди. Сұхбат чоғида Арвонтақ Бухорода ўқиб юрган пайтларидақ Ислом динини чиндан қабул қилғанини эътироф этиб, Лангарийдан бу сирни ошкор қилмасликни илтимос қилди. Сўз орасида маҳаллий диндорлардан турли диний лавозимларга талабгорлар чиққанини, бир неча марта Лангарий ҳақларида шикоятомуз сўзлар айтишганини, ҳатто “Лангарий рус ҳукмронлигига хайриҳоҳ эмас,” деб писанда қилишганини сўзлаб берди. Шунга қарамай ўз мактабдошига хоҳлаган лавозимни беришга тайёр эканини билдириди. Лангарий ҳокимга миннатдорчилик билдириб, бериладиган барча лавозимларни рад этди. Рус ҳукмронлигига хайриҳоҳ эмаслигини бундай изоҳлади:

– Бу хабарни етказган киши табиатимдаги бор гапни айтибди, тұхмат қилмабди. Ҳақиқатан қайси бир фурурли инсон уйига рухсатсиз, курол билан бостириб кирған одамга эхтиром кўрсатиб, дастурхон ёзади? Қайси бир мусулмон ўз масжиди рўбарўсида насронийлар бутхонаси курилишига хайриҳоҳ бўлади? Аммо қадарда ёзилгани бўлади. Аллоҳ бандасининг аъмолига яраша хаёт, ризқ-рўз беради. Оқибати, кўриб турганингдек, бир бутун Туркистандаги исломий давлатлар насронийларга мағлуб бўлди. Аллоҳнинг иродаси шу экан. Менинг сизларга исенкорлик қилиб 15-20 минг куролсиз тарафдорларим билан қарши чиқишимдан нима фойда бор? Қайтанга кўпчиликнинг умрига завол, етим-есирларнинг кўпайишига сабабчи бўламан. Мен учун дунёвий бойликларимизни талон-торож қилиб кетишингиз жуда катта мусибат эмас. Лекин ҳалкимга сизлардаги баъзи иллатлар юқиб қолишидан ташвишдаман. Эркакларимиз диёнатсиз, ўғилларимиз шаробхўр, аёлларимиз шарм-хаёсиз бўлиб қолиб, миллатим бошига янада аламли кулфатлар тушиб қолишидан кўрқаман. Биз аҳли илмларнинг Аллоҳ олдидаги бурчи оммани шу балолардан сақлаб қолишига ҳаракат қилишдир. Бунинг учун факат илм ва маърифат тарқатишимиш керак. Сиёсий ва ҳарбий билимлардан йироқлигимиз сабабли, бошқа ишларга бошимизни сукмаймиз.

Лангарийнинг доно ва зукколиклари, тафаккурлари ўткирлиги, андишли ва ўта кечиримлилари ҳамма уламо ва фузалоларни лол қолдирди. Кўнгилларида ғаши борлар ҳам у зот билан дўстлашишга интила бошлашди. Ихлос ва мухаббатлари зиёдалашди.

Иноятхўжа Лангарий шариат илмида Мовароуннахрда таникли, етук алломалардан бири бўлибгина қолмай, замона аҳллари ихлос қўйған муршид ҳам бўлганлар. У зоти бобаракот китоб мутолаасини жуда хуш кўрганлар. На-бирадарлари бўлмиш отамизга мерос тариқасида тўрт юзга яқин китоб текканини ҳисобга олсан, кутубхоналарида беш мингдан ортиқ китоб бўлгани келиб чиқади. Аллоҳнинг амрига, пайғамбарнинг суннатига мувоғиқ умргузаронлик қилишга ҳаракат қилдилар. Вафтларидан бир ойча мукаддам Кўқонга бориб устозларидан сабоқ олиб, илм

толиби либосини ечишга шошилмадилар. Шайхул-ислом мартабасига эга бўлган, бир неча юз шогирдларга дарс беришга қодир зот охирги нафасларигача илм ўрганиш тараддуидаги бўлишлари биз, авлодларга ўрнак бўлишга арзиди. Маърифат сарчашмаси, Накшбандия силсиласининг ўттиз учинчи ҳалқаси соҳиби 1899 мелодий йили 15 феврал чоршанба куни, хижрий хисобда 1316 йилнинг 4 шавволида дорулғанодан дорулбакога риҳлат қилдилар.

*Абдураҳимхўжса Муҳаммадхон тўра ЛАНГАРИЙ,  
мехнат фахрий.*



## ИККИНЧИ УМАР ҲУКМРОНЛИГИ

Кучли тақвоси ва нихоятда адолат билан иш юритгани учун Ислом тарихида «Иккинчи Умар» номини олган Умар ибн Абдулазиз ҳукмронлиги даврини баъзан Хулафои рошидин (тўғри йўлдаги тўрт халифа) замони билан қўйёлашади. У ҳижрий 99-101 (милодий 718-720) йиллари Ислом давлатига раҳбарлик қилди.

Мусулмон тарихчилари маълумотларига кўра, у узоқ йиллар исломий билимларни, айниқса фиқҳни ўрганди. Халифа Валид даврида у Мадина волии (ҳокими) эди, Сулаймон ибн Абдулмалик эса уни ўзига ворис қилиб тайинлади. Волийлиги охиригача у барча умавийларга хос бўлган ҳаёт тарзини танлади: ҳою ҳашамни ёқтирад, ноёб кийимлар кияр эди. Бироқ Мадинадаги ҳокимлигининг охирги ойларида бирдан ўзгариб қолди. Ҳаётидаги бу ўзгаришга бир фожиага иштирокчи бўлиб қолганини сабаб қилиб кўрсатишиади.

Халифа Валид ибн Абдулмалик волийга собиқ халифа Абдуллоҳ ибн Зубайрнинг ўғли Хубайнини қаттиқ жазолашни буюради. Буйруқни бажаришга киришган Умар ибн Абдулазиз уни дараҳтга боғлаб қўйишни топширади. Кейин маҳбус устидан совуқ сув қуиб, қиши қуни масжид ҳовлисида банди ҳолда қолдиришиади. Хубайн қўйноқлардан ўлиб қолади.

Ислом тарихчилари хабар беришларича, Хубайб вафотидан кейин Абдулазиз ўзини қўйгани жой тополмай қолади. У тинмай тавба-тазаррулар қилар, Хубайбга аза чекар, қуни туенини ибодат билан ўтказар эди. Амалда у ўзининг бевосита вазифаларини адо этишини ҳам эсдан чиқаради. Бироз вақт ўтганидан кейин эса, истеъфога чиқиб, Шомга кетиб қолади. У ерда зуҳд ва тақво билан ҳаёт кечирди, одамларга панду насиҳатлар қилди, халифаларга маслаҳатлар бериб турди, ҳатто улардан адолатсиз ҳукмдорларни жазолашни талаб этди. У амалдорларни халққа адолат қилишга, Аллоҳ олдидаги масъулиятларини ҳамиша эсда тутишга чақириди. Оила аъзоларининг байтулмоддан (давлат хазинасидан) олган барча маблағларини жойига қайтаришни талаб этди. Ҳатто хотини Фотима олдига шарт ҳам қўйди: ё олтин ва қимматбаҳо тошлардан ясалган маржонингни хазинага топширасан ёки сен билан ажарашаман. Фотима маржонни хазинага топшириди.

Халифа этиб тайинлангач, Умар оилавий харажатларини кескин камайтириди. У байтулмоддан ҳеч нарса олмасликка қасам иди ва Сувайддаги (Шом яқинидаги мавзе) еридан келадиган икки нуз динор миқдоридаги йиллик даромад ҳисобига ҳаёт кечирди. Ҳарбий юришлардан келадиган ўлжадан бирор дирҳам (кумуш пул) ҳам олмас эди. Иш шунга бориб етдики, атрофидагилар унга тўғри йўлдаги халифа Умар (яъни, боболари) ҳам ўта тақволи, иймонли ва адолатпарвар бўлгандарни ҳолда давлат хазинасидан бироз нафақа олиб турганларини эслатишиди. Бунга Умар ибн Хаттобнинг ҳеч қандай мол-мулки бўлмаганини, ўзида эса мулк борлигини рўкач қилди.


Иккинчи Умар ўз фуқароларига эркин ҳаракатланиш ҳуқуқини берди, мусофиirlар учун карвонсаройлар қурдирди, кўплаб қудуқлар қазитди, йўллар чиқарди. У ўтказган иқтисодий ислоҳотлар натижасида аҳолининг яшаш даражаси анча ошди – халифалик ҳудудида бирорта ҳам қашшоқ қолмади. Кишилар турмушки шунчалик яхшиландик, закот оладиган одам ҳам топилмай қолди. У давлат амалдорларининг хизмат вазифаларини суиистеъмол қил-

масликлари, пора олмасликлари, давлат хазинасидан ўмар-масликлари ва тамаъгир бўлмасликлари учун улар маошини ошириди. Умар ибн Абдулазиз адолатсиз ҳукм юритган ва давлат маблағларини талон-тарож қилган волий ва давлат амалдорларини ишдан олиб ташларди. У фаол даъват ишларини олиб борар, мусулмон уламоларини иззат-икром қиласида ҳуқмронлиги даврида халифаликнинг кўплаб аҳолиси Ислом билан шаррафланди.

Унинг замонида турклар Озарбойжонга ҳужум қилиб, кўплаб мусулмонларни қириб ташлашди. Бунга жавобан Умар ибн Абдулазиз уларга қарши Ҳотам ибн Нўймон ал-Боҳилийни юборди. Унинг ўрдуси (армияси) туркларнинг кўпини мағлуб қилди, оз сонли жангчиларгина қочиб қуттилишди. Бир пайтнинг ўзида Византия билан ҳам уруш бораради. Фарбий Оврупада Шамс ибн Молик ал-Қуланий қўмандонлигидаги қўшинлар Пиренея тоғларидан ўтиб Септимания ва Провансни (Франсия жанубидаги тарихий вилоятлар) эгаллашди. У ердан Аквитания вилоятига бостириб қириб, Тулузани қамал қилишди. Бироқ герсог Аквитанияский катта ўрдуси билан мусулмонларга зарба беришга эришди. Жангда Шамс ҳалок бўлди, қолган мусулмон сарийлари (отрядлари) Нарбонига чекинишиди.

Халифа Умар ибн Абдулазиз ҳижрий 101 йил ражаб ойида Дамашқда ўз аъёнларининг фитнаси қурбони бўлди. Улар Умарнинг ўзидан кейин халифаликни Язид ибн Абдулмаликка топширмай қўйишидан қўрқиб, бу мудҳиш жиноятга қўл уришган эди.

*Ойдин Ориф ўғли АЛИЗОДА,  
фалсафа фанлари доктори (Боку).*



# БРАЗИЛИЯ

## МУСУЛМОНЛАРИ

Үзининг ажабтовур карнаваллари ва сайёхларни ҳамиша жалб қилувчи курортлари билан машхур ва Жанубий Амриқонинг энг катта ўлкаларидан Бразилияда мусулмонлар сони тобора ортиб бораёттир. Бразилия Ислом маданияти Маркази маълумотларига кўра, ҳозир мамлакатдаги мусулмонлар сони икки миллион кишига етди. Бу ердаги масжидлар 127 та ёки улар сони 2000 йилдагига қараганда тўрт баравар ошди.

Бу олис қитъага мусулмонлар қаердан келиб қолишган, деган савол туғилиши мумкин. Барча тан олган таҳминларга кўра, Бразилияда Ислом ва мусулмонлар тарихи 1550 йилдан, португал мустамлакачилари африқолик қулларни ишлатиш учун олиб келганидан бошланган. Африқодан қитъага келтирилган жами қулларнинг 35 фоизи Бразилияда қолган. Қуллар оғир меҳнат ва ҳақсизликлардан қанча хўрланган бўлишса, уларнинг динларини сақлаб қолишлари ҳам шунча маشاқватли бўлди: ҳукумат мусулмон қулларнинг норозилигини босиш учун уларни насроний динига ўтказишга зўр берди. Аммо бу улар кутган натижани бермади. 1910 йилги маълумотларга кўра, мамлакатда юз мингдан ортиқ африқолик мусулмон яшаган.

Кўп ўтмай, Бразилияда мусулмонлар сони кескин кўпая бошлади. Бунга араб давлатлари, хусусан Сурия ва Ливиядан иш ахтариб келгандар сабаб бўлишди. Агар 19-аср охирлари ва 20-аср бошларида бу ерган асосан насронийлар кўчиб келган бўлса, ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб муҳожирларнинг асосий қисми мусулмонлар эди. 1929 йилдаёқ биринчи исломий ташкилот – Сан-Пауло «Мусулмон хайрия жамияти» иш бошлади. 1956 йилга келиб эса, Бразилия ва бутун Жанубий Амриқода ягона масжид очилди. Кейинчалик Куритиба, Паранагуа, Рио-

де-Жанейро, Бразилия шаҳарларида ҳам мусулмон хайрия жамиятлари пайдо бўлди. Энг йирик мусулмон жамоалари Сан-Пауло (барча мусулмонларнинг 40 фоизи) ва Рио-де-Жанейродадир. мусулмонларнинг кўпчилиги Сурия, Ўрдун, Лубондан кўчиб келганларнинг авлодларири.

Олдинига Бразилия мусулмонлари диний раҳбарлар, имомлар йўқлигидан қийналишган бўлса, ўтган асрнинг саксонинчи йилларига келиб Маврикия ва Марокашдан португал тилини биладиган имомлар таклиф этилди. Кейинчалик Бразилиялик ёшлардан бир гуруҳи Саудия Арабистонида олий маълумот олиб қайтишди.

Мамлакатда тубжой аҳоли вакилларининг ҳам Ислом билан шарафланиши тобора кучаймоқда. Яқинда Исломга янги кирган бир гуруҳ қоратанли кишилар Сан-Паулода намозхона очишли. Уларга Мозамбиқдан таклиф қилинган киши имом-хатиблик қиляпти. Бундан беш йил олдин эса собиқ насроний руҳоний ҳам мусулмон бўлди. Уларнинг Исломга киришларига турли ҳолатлар турткни бўлган: бирор мусулмонлар ахлоқидан таъсирланиб, Исломга кирган, бошқаси бу дин ҳақида газетада ўқиган ёки телекўрсатувни кўриб мусулмон бўлган.

Бразилиялик мусулмонлар диний адабиётлар етишмаслигидан қийналишмоқда. Чунки исломий адабиётларнинг кўпи испан тилида, мамлакат аҳолиси эса кўпроқ португал тилида сўзлашади. Шунинг учун Лотин Амриқосида Исломни ривожлантириш Халқаро маркази асосий диний адабиётларни португал тилига ўгириш устида иш олиб боряпти.

*Интернет материаллари асосида  
тайёрланди.*



# ИСЛОМДАГИ ОҚИМЛАР ҚАНДАЙ ТАРҚАЛГАН?

*Ислом динида асосан икки йирик оқим: суннийлар ва шиалар бор. Қуийда ана шу мазҳаб ва оқимларнинг дунё бўйича тарқалишига оид маълумотларни келтирамиз:*

## СУННИЙЛАР

Пайғамбаримиз Мұхаммад алайҳиссаломнинг йўлларида юрган, суннат аҳли бўлган кишилар “суннийлар” дейилади. Суннийлар мусулмонларнинг мутлоқ кўпчилигини ташкил этишади. Суннийлик йўналиши «Аҳли суннат вал жамоа» деб аталади ва у тўртта фикъий (ҳанафий, шофиий, моликий, ҳанбалий) ҳамда иккита ақида-вий (ашъария, мотуридия) мазҳаблардан иборат. Бугунги кунда дунёдаги мусулмонларнинг 92,5 фоизи суннийлар бўлиб, улар «Аҳли суннат вал жамоа»ни ташкил этишади. Улардан ҳанафийлар – 47 фоизни, шофиийлар – 27, моликийлар – 17, ҳанбалийлар – 1,5 фоизни ташкил этади.

Ҳанафийлар асосан Албания, Босна-Херсек, Туркия, Сурья, Ироқ, Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон, Бангладеш, Туркманистон, Ўзбекистон, Тоҷикистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Россия, Жибути, Эритрея ва бошқа мамлакатларда тарқаган.

Шофеъийлар Сурья, Ливан, Фаластин, Ўрдун, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари, Яман, Миср, Сомали, Комор ороллари, Малдив ороллари, Ҳиндистон, Малайзия, Индонезия, Бруней ва бошқа ўлкаларда бор.

Моликийлар Миср, Судан, Ливия, Тунис, Жазоир, Марокаш, Мавритания, Қувайт, Баҳрайн ва бошқа диёрларда яшашади.

Ҳанбалийлар асосан Саудия Арабистони, Қатар ва бошқа жойларда тарқаган.



## ШИАЛАР

“Шиа” луғатда «гуруҳ, тарафдорлар» деган маъноларни билдиради. Исломдаги суннийликдан кейин турадиган асосий йўналиш номи. Ҳозир жаҳондаги мусулмонларнинг қарийб 8 фоизи шиалардир. Шиалик милодий еттинчи аср ўрталарида халифа Али ибн Абу Толиб (каррамаллоҳу важҳаҳу) тарафдорларидан иборат сиёсий гуруҳ сифатида пайдо бўлган. Аср охирларига келиб, Ироқ ва Эронда кенг тарқалди ҳамда мустақил диний йўналишга айланди. Шиалиқда ҳам турли оқим ва йўналишлар мавжуд.

Имомийлар: булардан усулийлар Эрон ва Ироқда; ахборийлар Ҳиндистон, Ироқ, Баҳрайн, Эронда бор.

Шайхийлар ҳам иккига: кўхна шайхийларга ва янги шайхийларга бўлинади ва улар Эрон, Ироқ, Баҳрайнда тарқаган.

Зайдийлар: асл зайдийлар Яманда, нуктавийлар Эронда бор.

Исмоилийлардан низорийлар Ҳиндистон, Покистон, Афғонистон, Эрон, Тоҷикистон ва бошқа ўлкаларда тарқаган. Бундан ташқари, мусталитлар, Ҳиндистон ва Покистондаги довудийлар, Ямандаги сулаймонийлар ҳам исмоилийлар тоифасига киради.

Друзлар асосан Сурья ва Ливандада яшашади.

Нусайрийларга кирувчи қиблийялар Сурядада, шамолийялар Туркиядада бор.

Аҳли ҳаққ тоифасига кирувчи алавийлар (қизилбошлар) Туркиядада, шаббоқийлар Ироқда, курдбачалар Эронда яшашади.

Азалийлар Эронда мавжуд.

Бектошийлар Туркия, Албания ва бошқа жойларда тарқаган, улар тоифасига асл бектошийлар, дадалар, чалабийлар ҳам киради.

(Интернет материаллари асосида тайёрланди).

# «ОВРУПА ЎРТА АСРЛАРГА ҚАЙТМОҚЧИ ЭМАС...»

“Хурматли таҳририят! Журналингизнинг ўтган 3-сонидаги «Тийиқсиз шахват домида» мақоласи менга жуда манзур бўлди. Ҳозирги пайтда жуда долзарб ва таҳликали бўлиб турган мавзу мисоллар билан очиб берилган. Мақола кўтарган муаммоларнинг аҳамиятини чукур анлаган ҳолда уни русийзабон ўқувчиларга ҳам илиниб, рус тилига ўтиридим ва Россия сайтларига юбордим. Ана шу маколадан руҳланган ҳолда ўзимнинг бу мавзуга доир фикр-мулоҳазаларим билан ўртоқлашгим келди. Салом билан, Шоҳида”.

Яқинда менга Ислом билан кўркитиш (исломофобия) ва иқтисодий танглик ҳақидаги инглизча матнни таржима килишга беришди. Матн мазмуни мени жиҳдий ташвишга солди ва Оврупада нималар бўлаётгани билан қизиқиб, у ердаги дўстларимга мурожаат қилдим...

Умумий жавоб шу бўлдики, бундай Ўнг сиёсатчилар ёки мусулмон мухожирларга қарши овоз берувчи одамлар озчиликни ташкил этади ва улар 2-3 фойиздан ортиқ овоз ололмайди...

Аммо мактубларнинг бири мени анча ўйлантириб қўйди. Бу мактубда “Оврупа сиёсатдонлари мусулмонларга ва муслималар хижобига тегишли масалалар ҳақида бошқа мавзулар қатори баҳслашишади ва “яна ўрта асрларга қайтиш бўладими?” қабилида газабланишади”, деган гаплар бор эди.

Ўзим рўмол ўрамасам-да, кўпгина Оврупа давлатларида, кўпроқ Францияда катта шов-шув билан кўтарилаётган мусулмон аёллар хижоби ҳақидаги масала ҳам, “яна ўрта асрларга қайтиш” ибораси ҳам менда бироз истехзо ўйғотади ва эҳтимол бу хитобларни киноя килишга ҳақли эмасдирман. Аммо, шу билан бирга, Оврупанинг жуда кўп шаҳарларида бўлганим учун у ерларда кўрганларимни эсласам, беихтиёр заҳарханда кулишимга тўғри келади...

Олмонияга янги борганимда ёшлар ўтиришида бошланган ўйинда йигит ва қизларнинг мусобакада қатнашиш ҳукукини кўлга киритиш учун жарима тарзида кийимларни бирин-кетин ечиб ташлашаётганини кўриб, “оҳ” тортиб юборгандим. Ўйин шартларига кўра, ким бунда кўпроқ жонбозлик кўрсатса, ўша ғолиб бўларкан. Мусобака ниҳоясига бориб, унинг деярли барча қатнашчилари фақат калта иштонда қолишид. Калта иштонларини ҳам ечиб ташлашмаганига шукр...

Гоҳо бирорта талаба фирт маст бўлиб олади-да, бутун ёткхона бўйлаб шир яланғоч ҳолда югуриб қолади.

Бундай бехаёликка Олмонияда ҳам, Швейцарияда ҳам кўп марта гувоҳ бўлдим. Содалигимга бориб, кўшни дугоналаримнинг бироз “томи кетган” биридан: “Кўчада кип яланғоч юришни тақиқлайдиган қонун йўқми?” деб сўрасам, у тутоқиб кетиб: “Сан Ўзбекистонингда ёки ислом давлатида эмассан! Аллақачон кўнишиш керак эди!” деб бобиллади.

Лейпциг шаҳридаги тил ўрганиш курсида ўқиётганимда кўл бўйига саёҳатга чиқдик. “Олмониядаги қумлоқларнинг (пляж) деярли ярми FKK (freiekörperliche Kultur) яъни, ёввойи пляж мақомида”, деб огоҳлантиришди. Мальум бўлишича, бундай пляжларда одамлар шир яланғоч ҳолда чўмилишаркан. МДҲнинг барча мамлакатларидан борган талабалар қатори мени ҳам чўмилившарнинг онадан туғилғандагидай кўринишигина эмас, балки уч ва ундан юқори ўшдаги болаларнинг кип-яланғоч катталар, боболари, бувилари ва ота-оналари ёнида бемалол юришлари даҳшатга солди. Инсон барibir инсон-да... ва бу манзараларни кўрган болаларнинг келажақда ким бўлиб улғайишларини ҳатто тасаввур қилиб ҳам бўлмайди. Олмониянинг Ўнг сиёсатчилари қаёққа қарашяптийкин? Фақатгина улар эмас, бошқа барча сиёсатчиларнинг кўзлари қаёқда? Ҳа, айтгандай, улар мусулмон аёлларнинг рўмоли ва уларни “ўрта асрлар”дан ҳимоя килиш билан овора-ку!

Мен Олмониянинг ҳамма аралаш ҳолда, ҳатто ёш болалари билан кип-яланғоч ҳолда чўмилишадиган ҳаммомлари ҳақида гапириб ҳам ўтирайман. Бу ҳақда немисларнинг ўзлари сўзлаб беришди ва “Бунинг нимаси ёмон?” деб таажкубга ҳам тушишди. Бундай ҳолатлар аллақачон замонавий Оврупа маданиятининг ажралмас қисмига айланиб бўлганини тушунганимдан кейин булар мени даҳшатга солмай қўйди...

Оврупанинг кўплаб мамлакатларида фоҳишабозлиқ инсон ҳуқуқлари ҳимояси баҳонасида умуман қонунлаштириб қўйилган, бу қонунларга тиббий кўрик, солиқ, эркинлик ва бошқа моддалар киритилган. Франкфурт, Вена, Париж, Амстердам, Цюрих ва Оврупанинг бошқа кўпгина шаҳарларида марказий кўчаларга жойлашган исловотхоналар, тунги клублар ва бошқа бузуқлик маконлари ёнидан ўтиб қолсангиз, фоҳиша аёллар, бесоколбозлар, хунасалар (ҳам эркаклик, ҳам аёллик аъзолари бор кимсалар), фоҳишилик қилувчи эркаклар ва бошқа бехаёларнинг бир-бирлари билан рақобатлашиб ётганини кўрасиз. Тунги клубларнинг мижозлари қандай кийиниши ҳақида гапириб ҳам ўтирай, бу ҳақда гумон қилиш мумкин, холос.

Олмониянинг Франкфурт-Майн шаҳрида бузукхона ва исловотхоналар жойлашган “қизил фонарлар” кўчаси шундоққина шаҳар марказидаги асосий вокзалдан бошлиниб, Оврупа Марказий банки (яъни, бутун Оврупанинг молиявий юраги) олдигача чўзилиб кетган. Немислар ахволини тушуниш керак, улар бу ҳақда куйиниб гапиришади. Немисларнинг ўзлари ҳам бу ердан фаҳш ўчогини кўчириш ниятида, нима бўлгандайм бу жойлар ахир Оврупанинг молия маркази! Аммо бу ишда бир муаммо бор: агар бу расво маҳалла бошқа бирорга тегишили бўлганида аллақачон қонун моддаларини рўйач килиб, уни сотишга мажбурлашарди. Аммо бу квартал яхудий оиласига тегишили, бу борада немислар иложсиз...

Холландиянинг Амстердам шаҳри бу борада чинакам фаҳш ўласига айланаб бўлган. Бу ерда бузукликнинг ҳамма кўринишлари, ҳатто ҳайвонлар билан жинсий алоқа килишларгача бор. 2006 йили бу ерда болалар фоҳишабозлигига рухсат бериш масаласи кўриб чиқилди. Бу масаланинг охири нима билан тугаганини суриштириб ҳам ўтирамадим. Амстердамнинг киёфасини тўла тасвирлаш учун бир ходисани келтирай: сайдёхлар кўпинча шаҳарнинг шундоққина марказида қандайдир эрракнинг шими-ни тушириб, (маъзур тутасизлар) кетини йўловчиларга кўрсатаётганини кўришлари мумкин. Йўловчилар эса унинг килмишини маъкуллаб, қарсак чалишади. Бу одатий ҳол. Бундан ҳам расволари содир бўлиб туради...

Инглизларнинг Русиядаги МузТВ канали олиб кўрсатадиган “ПОТ билан пардозни тузатиш” кўрсатуви бор. Унинг вазифаси “фрик” деган тоифаларнинг (Англияда уларни беўхшовлар дейишади) кийиниш ва пардоз килиш усулини яхши томонга ўзгартиришдан иборат. Дастур қатнашчилари шунақсанги бемаъниларча, беўхшов ва дидисзлик билан кийинишадики, ҳатто жинсий эркинлик бобида анча илгарилаб кетган замонавий Англияда ҳам уларга кўнгиллари айниб токат килишади ва кўрсатув бошловчилари уларнинг кийинишини сал тартибга солмоқчи бўлишади. Аммо кўпда бунга муваффак бўла олишмайди. Кўпинча ҳайратга тушган бошловчининг: “Сен фақат ич кийимда юрасанми?” ёки “Дўконларда сенбоп устки кийим йўқ эканми?” ёхуд “Ишгаям шу чўмилиш кийимида боряпсанми?” деган саволларини эшитиш мумкин. Англияда таҳсил оладиган акам ва унинг дўстлари: “Буниси ҳолва, ҳали бундан ҳам даҳшатлироқ воқеалар бўлиб туради...” дейишди.

Англиядаги йигит ва қизлар Оврупанинг бошқа мамлакатларидаги тенгдошлари каби жинсий “хуррият”нинг энг охирги чўққисини кўзлаб, шундай даражага етишдики, энди нимани ечишни ҳам билмай қолишид... Ўрни келганда тан олиш керак, Англияда мусулмонлар кийиниши баҳсталаб эмас, бу борада уларга эркинлик берилган.

Шу тариқа Оврупадаги кўпчилик аёллар ва эрраклар жинсий инқилоб соҳасидаги мусобакада қандай килиб бир-бирларидан ўзишни билолмай бошлари қотган. Замонага мослашиш учун яна қанча “хурлик” кераклигини англомай хайрон. Ўн тўрт ва ундан катта ёшдаги кўпчилик аёллар (барчаси эмас, лекин мутлоқ кўпчилиги!) ўзининг жинсий эркинлигини, жозибадорлигини исботглаш ва афтидан шу йўл билан навбатдаги эрракнинг эътиборини қозониш

учун яна нимасини ечиб ташлашни билолмаяпти. Афтидан аёллар учун бундан-да ортиқ машақкатни, бундан ҳам кўпроқ мушқулотни ўйлаб топиш қийин! Оврупанинг бунчалик эркин ва замонавий мамлакатлари кўчаларида содир бўлаётган воқеаларни ҳали соатлаб хикоя қилиш мумкин, аммо ўкувчини толиктирмаслик учун шуларнинг ўзи кифоя.

Оврупанинг Ўнг сиёсатдонлари, Ислом ғанимлари ва қалтабин кимсалар жоҳилликлари туфайли жон-жаҳдлари билан Оврупадаги мусулмон аёллар хижобига карши чиқишипти ва жириллаб буни “ўрта асрлар” деб атаяпти. Юқорида айтиб ўтганимдай, булар менда истехзо ва заҳархандалик туғдиради, холос. Нима учунлигини англаш энди сизга қийин бўлмаса керак? Тўппа-тўғри! Чунки, тан бериш керакки, оврупаликлар кийиниш тарзи ва услуби бўйича қайтадан ибтидой тузумга сакраш бобида аллақачон ҳаммани ортда колдириб кетишиди. Оврупа ўзининг кийиниш услуби ва ҳатто баъзи даражадаги жинсий “эркинлик” деб аталган ҳаёт тарзига кўра ибтидой одамларга ўшамоқчи экан, ҳали-бери “ўрта асрлар” дарајасига ўсиб-ета олмаса керак? Ахир инсоният тараққиёти ибтидой жамоадан ўрта асрларгача етиши қанчалар узоқ давом этганини ҳисобга олиш керак-да...

### ШОХИДА.



## «АВЛОДЛАР ИХТИЛОФИ» МУАММОМИ?

Бундан анча йил олдин гувохи бўлганим бир воқеа сира эсдан чиқмайди. Московга қилинган сафардан қайтаётган эдим. Купемизга бир ўрис бола чиқди-да, биз билан ҳатто саломлашмай, тепадаги ўринга чиқиб, бошини ўраб ётиб олди. Эртасига туш пайтидагина «тахти»дан тушиб, ҳожатхонага чиқиб келди. Кейин ҳеч кимга қарамай, юкхалтасидан бир шиша шароб олиб, бир кўтаришда ичиб бўшатди ва яна жойига чиқиб ётди. Унга нимадир бўлган эди. Кечадан бери туз ҳам татигани йўқ, шунча вактни фақат уйку билан ўтказмагани ҳам аниқ эди: чунки тинмай ўёндан-буёнга ағдарилар, гоҳо «оҳ» чекиб кўяр эди. Охири нима гаплигини билмоқчи бўлиб, бу нотаниш ҳамроҳимизни гапга солдим. Ўзи Фарғонада яшаркан. Асли ленинградлик (ҳозирги Санкт-Петербургнинг олдинги номи шунаقا эди) экан. Отасини кўмиб келаётганмиш. Онаси бундан беш йил олдин дунёдан ўтган экан. Ота аначадан буён дард чекаркан. Хонадонида қаровчисиз колиб, ўлганини қўшилар уч кундан кейин билишибди. Хоандондан чиқаётган нохуш хиддан билиб қолишибди. Телеграммани олиб юйлга чиқсан йигит баарибир отаси дафнида қатнаша олмабди, боргунича кўни-кўшилар кўмиб бўлишган экан. Энди квартирасини сотиб иш жойига қайтаётганмиш. «Ака-укалар, опа-сингиллар йўқми?» деган саволимга у бундай жавоб берди: «Борликка бору улардан на фойда, оиласда тўрт ўғил, бир қизмиз, ҳаммалари уй-жойли бўлиб, Союзнинг ҳамма жойига тарқалиб кетишган, онам вафот этгандарида ҳам бирортаси келмади, ўзим бориб кўмганман», деди. «Сен улар билан кўришмайсанми?» десақ, йигитча: «Уларнинг ҳатто қайси вилоятда яшашларини ҳам билмайман, ёлғон бўлмасин, уч йилча олдин акам Саша бир телефон қилувди», деди.



Пойтахтимизнинг Сирғали туманида яшайдиган ҳамкасбимизни кидаги меҳмондорчиликдан қайтаётиб яна бир нохуш воқеанинг шоҳиди бўлдик. Кўп қаватли уйлардан бирининг йўллагида бир онахон ўн саккиз-йигирма ёшлардаги бир қиз (афтидан қизи бўлса керак) билан гижиллашиб туришарди. Она уни уйга қайтаришга ҳаркат қиласар, қиз эса дугоналари билан қаергадир «танса»га бораман, деб тихирлик қиласарди. Охири ноилож қолган она қарғанишга тушди: «сани туғмай ман ўлай, ташлаб кетган отангни уйи куйсин». Қиз бунга жавобан «қарғишинг ўзингга урсин», деди юйрискаб сўқинганича, «танса»сига жўнаворди.

Шу ўринда яна бир воқеани эслашга тўғри келди. Яқинда республика телеканалларидан бирида ароқхўрлигидан безиб, отасини қариялар уйига ташлаб келган бир ўзбек йигитини муҳокама қилишди. Аввалига ҳамма йигитнинг қилмишини маъқуллаб, ичкиликка

рўжу қўйган отани танқид қилишни бошлаб юборди. Бир отахоннинг: «Хой биродарлар, нима деяпсизлар, динимизда фарзанд отанинг қилмишини кўпчилик муҳокамасига ташлаши у ёқда турсин, ҳатто унга овозини баландлатиб гапиришдан қайтарилган-ку, мусулмон киши отаси ҳатто мушрик бўлсаям унга шафқат кўрсатишга буюрилган-ку!» деб эътиroz билдирганидан кейинги на вазият ўзгарди.

Энди манави отанинг ҳасратларига бир қулоқ солинг: «Бола-бала дейилар экану, бола дегани одобли, гапингта юрадиган, айтганингни қиладиган чиқсагина дил малҳами бўлар экан. Акс ҳолда... Менинг ўғлим эса бола эмас, бало бўлди. Мактабдаги ўқиши расво, ўқитувчиларининг шикоятларидан тўйиб бўлганимиз. Эртадан-кечгача телевизор кўриб ё кўча чангитиб кунни кеч қиласарди. Ёки компуторхоналарда уч-тўрт соатлаб йўқ бўлиб кетади. «Қаерда дайдиб юрибсан?» деган саволимга жавоб ҳам бермай кўзимга «лўқ» этиб тикилиб турварди. Танбех бермокчи бўлсам, «ҳадеб тергайверманг, ман сизга ёш бола эмасман», деб тўнғиллади. Онаси бирор фойдали иш билан шугулланиш, ҳеч бўлмаса дарсини қилиш, китоб ўқиши ҳақида насиҳат қилмоқчи бўлса, унинг гапини ҳам эшиштмай, яна шартта кўчага отилади. Унга қандай муомала қилишни, кай йўсунда тарбия беришни ҳам билолмай қолдик. Кичикилигидан айтганини қилсан, уриб-тергамасан, истаган нарсасини муҳаё этсан, яна нима қилиб беришимиз керак?!».

Хорижий мамлакатларда бўлганимизда болаларнинг ота-оналарини менсимай, қўпполлик билан муомала қилганини, ҳақоратлаш, ҳатто уришгача борганини, жамоат транспортида катталарга жой бермай сурбетларча бақрайиб турганини, алоҳида рўзгор юритаётган ўғил-қизларнинг бир шаҳарда туриб

ота-онадан йиллаб хабар олмагани каби нохуш воқеаларнинг шоҳиди бўлганмиз. Масалан, Франсияда ўтказилган тадқиқотларга кўра, бу ердаги ота-оналарнинг 75 фоизи фарзандларига уй-жой сотиб олишда молиявий ёрдам кўрсатиш истагида бўлса, фарзандларнинг эса бор йўғи 23 фоизи кексайган ота-онасига ўз уйидан бошпана беришга рози бўлар экан. Бу холат бизларга накадар эриш туюлмасин, Ғарбда бу каби воқеалар одатта айланиб кетган.

Аммо, минг таассуфки, бизда ҳам минг йиллик одобимиз талабларидан чекинилган, оилада «замонавий муносабатлар»ни жорий этишга уринилаётган хонадонларда бўй етиб қолган болаларини йўлга сололмай, ҳар куни фифони фалакка чиқаётган, «тарбияси негадир яхши чиқмаганидан» ҳасратини кимга айтишни билмай, изтироб чекаётган, пушти камаридан бўлган фарзанднинг ноқобиллигидан барвақт қариб ёки хасталаниб қолаётган кишиларнинг борлиги ҳам рост.

Эҳтимол, бу аянчли воқеалар ўзбекона ёки исломий тарбия топган кишилар учун ишончсиздай туюлар? Лекин айрим хонадонларда бунданда фожиали муносабатларнинг қарор топгани ҳам бор гап. Кимнингдир фарзанди ота-онага умуман буйсунмай кўйган: «али» деса, «бали» дейди, айтганига кирмайди. Бошқасининг фарзанди ота-онани сўкиш уёқда қолиб, ҳатто қўл кўтаришгача борган. Бирорининг боласи ичкиликка ёки гиёхвандликка мубтало. Яна кимнингдир ёлғиз фарзанди ўғирлик ёки бошқа бир жиноят қилиб қамалган. Яна бири уларнинг умр бўйи йиғиб топган мол-дунёсини қиморда ютказиб кўйган.

Бу кўнгилсиз ҳолатларга ким айбдор? Айни она сути оғзидан кетмаган ўшларга ёки бола тарбиясини ўз ҳолига, кўча муҳитига ташлаб кўйган ота ёки онага тўнкаб кўяқолса ҳам бўлади. Ёки айримларга ўхшаб буни мактаб муаллимларининг масъулият-сизлигига йўйиш ҳам мумкин. Ёхуд баъзилар каби «ха, энди замона бузилиб кетди-да» қабилидаги тасалли билан овунса ҳам бўлади.

Бола билан ота-она муросаси бу зилишига кўп жиҳатдан катталарнинг

ўзлари айбли. Улар фарзандларини ўшлигида эркалатиб юборишган, айтганини дарров муҳайё қилишган, илтимосини ўйлаб ҳам ўтирумай бажо қилишган. Бундай «айтганини қилдириб», гапи рад этилмай улгайган бола катта бўлгач ҳам ана шу кайфиятида қолади. Энди қўл қисқалигиданми, ёки бошқа сабаб билан унинг тинмай ошиб бораётган моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондира олмай қолган ота-она ва фарзанд ўртасида аввал можаро, кейинроқ катта жанжал ва ўнгланмас зиддиятлар келиб чиқаверади.

Кўпинча йиғин ва давраларда турли сухбатдошларнинг бола тарбияси ҳақидаги баҳс-мунозараларини эшишишга тўғри келиб қолади. Фарзандлар тарбиясининг яхши бўлиши омилларини ҳар ким ўзича турлича шарҳлайди. Кимдир болага ёшлигидан улуғ педагоглар тавсиясига кўра тарбия беришни тавсия этади. Бошқаси аввало ота-она ўз ибрати билан тарбиялаши лозим, деб ҳисоблайди, Бирор боғча ва мактабдаги тарбия тизимини фойдали деб билса, яна кимдир болани ёмон улфат ва муҳитдан химоя қилишни бу соҳадаги асосий масала, дейди. Лекин ҳеч ким боланинг солих, эс-хушли, тарбияли, итоатгўй бўлиб улгайишининг бош сабаблари ҳақида ўйлаб ҳам кўрмайди.

Исломий тарбия кўрган Шарқ оиласида эса бундай муаммоларнинг бўлиши мумкин эмас. Чунки Исломда бола туғилмай туриб унинг тарбияси билан шуғуланишга чорлов бор: фарзанд кутаётган ота-она ҳалол-пок ҳаёт тарзини танлашлари керак. Болангизга у ҳали туғилмасдан туриб ва туғилганидан кейин ҳам ҳалол-пок лукма бермас экансиз, унинг яхши тарбия топишидан умид қилмасангиз ҳам бўлади. Ҳаром йўллар билан топилган лукма еб катта бўлган болани ҳар қандай улуғ тарбиячи энг замонавий таълимот асосида тарбияламасин, кўзланган мақсаддага эришиш амри маҳол! Аксинча ҳалол нафақа билан улгайган болани тарбиялаш осон кечади, бундай оилаларда ҳеч қачон «авлодлар ихтилофи» деган шармандали вазият юзага келмайди.

Исломий тарбия асос қилиб олинган оилаларда болалар


кичиклигиданоқ катталарни хурмат қилиш, улар айтгани ва илтимосларини сўзсиз бажариш, уларга гап қайтармаслик, ҳар бир ишда маслаҳат сўраш руҳида тарбия қилинади. Одобимида ота-она чакиргандан ҳар қандай ишни ташлаб, «лаббай» деб бориш, нима буюришса ҳам «куф» тортмай бажариш, қарип ёрдамга муҳтож бўлишганида ҳар томонлама меҳр-муҳаббат кўрсатиш, ҳатто даврада улардан юқорига чиқмаслик, беруҳсат сўзламаслик, кўчада олдиларига тушиб юрмаслик, вафот этишганида уларнинг гуноҳлари мағфиратини сўраб дуои хайрлар қилиш талаб этилади.

Ахлоқимизда «Боланинг ўзи ҳам, моли ҳам отаникидир», деган ажойиб коида бор. Бу дегани агар ота муҳтож бўлиб қолса, фарзанди топган мол-мулқдан бемалол, ҳатто сўраб ўтирумай фойдаланишга ҳақли, дегани. Айни пайтда бу – ота ўзи етарли молдунёга эга бўлса-да мазкур қоидани рўйч қилиб, ўғлининг бор-будини тортиб олсин, дегани эмас. Мазкур қоидага амал қилинган жойларда қариб-қартайиб, пул топишга ярамай қолган кексалар тиланчилик қилиб ёки ахлат титиб емиш излашга мажбур бўлишмайди. Бошпанасиз қолиб, кўчаларда, деворлар тагида тунаб юришмайди. «Қариялар уйлари»да ёлғизлиқда, болаларини соғиниб яшашга маҳкум бўлишмайди.

Ахлоқли фарзандлар ота-оналарини ҳамиша бошга кўтаришади, айтганларини муҳайё қилишади, иззат-икром қилиб дуоларини олишади. Чунки, бу «қайтар дунё» эканини яхши билишади, ота-онага қилган яхшиликлари эртага фарзандларидан ўн чандон бўлиб ўзларига қайтишидан умид қилишади, ёмонлик қайтиб қолмаслиги чораларини кўришади. Хориж маданияти таъсирда улгайган кимларгадир булар боланинг «хурриятини бўғиши», «эркига тажовуз» бўлиб туюлиши мумкин. Аммо катталар ва кичиклар ўртасида йўқ ердан муаммо ясаб олган Ғарбда бугун биздаги оталар ва болалар ўртасидаги яхши муносабат ва меҳроқибатни кўриб, хавас қилишдан ўзга чора тополмай юришиби...

**Абдулоҳ НОДИРОВ.**

# ВИЖДОН – АЛЛОХНИНГ НУРИ



Одамлар билан муносабатларда «Виждонинг борми, виждоннинг қарши борасанми», «виждонсиз» деган гапларни кўп эшигтансиз. Шунда «Виждон ўзи нима?» деган савол туғилган бўлиши ҳам мумкин. Ғарб олимлари наздида виждон кишилик жамиятидаги ва атроф-мухитга муносабатдаги инсоннинг ўзини тутишдаги ахлоқий масъулият туйғусидир. Улар буни ифодали қилиб узоқ вақт пардозланган, силлиқланган, босимга кўйилган, ишлов берилган, печда куйдирилган мис буюмга ўхшатишади. Виждонни ҳам ижтимоий ўзаро таъсир шароитида шаклланадиган ва сайқалланадиган туйғу, жамият фаровонлиги даражасига қараб ўзгариб турадиган нарса ҳисоблашади. Улар наздида виждон – ижтимоий ҳаётда шаклланган дўқ-пўписа ва тақиқлар ҳокимииятидир. Лекин бу гаплар ҳақиқат эмас!

Ҳақиқатда эса виждон инсон табиатига Аллоҳ таоло юборган нурдир. Бу шунингдек, кўрсагма, далил-исбот ҳамда биз билан туғиладиган ва бизни ҳидоятга йўлловчи компас, маёқдир. Ижтимоий тараққиётнинг барча даврларида бу компаснинг ойнаси ялтираб, сайқалланиб боради. Бунинг рад этиб бўлмайдиган далиллари бор.

Ҳайвонот оламига бир назар ташланг: бу ерда жамият ҳам, ижтимоий онг ҳам йўқ. Лекин ҳожат ушатган мушукни кузатсангиз, у ишни бажариб бўлгач, ахлатини қўздан яшириш учун типиричилаб-айлануб қолади. У бу қиликни қайси мушуклар жамиятида ўрганган, у ахлатни бошқа тоза нарсалардан кандай ажратади?

Ёки мушук стол устидаги баликни ўғирлаган ҳолатни кузатинг: уни жиноят жойида кўлга тушириб, урмоқчи бўлсангиз, айини «сезиб», кўзларини юмид олади. Ёки болалар билан ўйнаётган мушук тасодифан вазани синдириб қўяди ва «ишни пачава қилиб кўйганини» тушуниб, тезда стол тагига яшириниб олади. Буларнинг ҳаммаси «виждон» деб аталмиш туйғу борлинин исботлайдиган маълумотлардир. Мушуклар оламида ана шу туйғуларни тарбиялайдиган жамият йўқ. Бизга умуман «мушуклар жамиятия» деган тушунча мутлақо нотаниш.

Каптарлардаги эр-хотинлик садоқати, отнинг олийжаноблиги, унинг ўз эгасига садоқати ва умрининг охиригача унга боғланиб қолиши, арслоннинг мағурурлиги, унинг ҳеч қачон ўз қурбонига орқасидан келиб ташланмаслик одати, түяning уятчанлиги, бегона назарни сезган заҳотиёқ урғочиси билан қўшилишни тўхтатиб қўйиши... Ҳайвонот оламидан бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Улар бу одатларни қаерда, қайси ҳайвонлар жамиятида ўрганишган?

Қоҳира сиркida содир бўлган мана бу ҳодисани олиб кўринг. Ғазабланган шер ўз ўргатувчиси Муҳаммад Хулувининг орқасидан келиб, елкасига чанг солди ва уни оғир жароҳатлади. Воеа фожиали тугади – шер ўргатувчи оғир яралардан вафот этди. Шундан сўнг шер овқат емай кўйди. Кафасинг бир бурчагида қимирламай ётаверди. Овқатга ҳам, одамларга ҳам ҳеч қизикмай қўйди. Кейин уни ҳайвонот бояига ўтказиши, кўнглини кўтариш учун олдига урғочи шерни киритиши. Лекин шер шу заҳоти меҳмонини дўппослаб, катакдан ҳайдаб чиқарди. Унинг

тутқунлиги кўп давом этмади, бир қуни у гуноҳкор панжасини оғизга олдию, қаҳр-ғазаб билан, токи ўзи жон таслим қилмагунича ғажиб ташлади.

Ҳайвонлар ҳам изтироб чекади, қийналади, азобланади, ғамга ботади, қайғуради, гуноҳини ювиш учун ўз жонига қасд қилишгача боради. Шер қайси йиртқичлар жамиятида бу ажойиб қиликни эгаллаган? Умуман ёвойи ҳайвонлар жамиятида инсонга етказилган оғир жароҳат учун ўзини ўлдиришга чақиравчи конун бормикин?

Қаршимизда турган бундай олийжаноблик, яхши хулқ ва вижденийлик мисолларини ҳатто инсонда ҳам учратиш қийин. Мана шунинг ўзиёқ виждоннинг моҳияти тўғрисидаги моддиюнча таъриф ва тасавурларнинг батамом барбод бўлганини кўрсатиб туриби.

Виждон – ҳар кандай тирик мавжудотнинг табиатига Аллоҳ томонидан жойлаб қўйилган нурлигига ва жамият тараққиётининг барча босқичлари бу илоҳий ёғду устидаги занг ва ғуборларни артиб-кетказиб туришига ва буни дин ҳам тасдиқлашига шакшубҳа йўқ!

Шер ва ҳайвон ўргатувчи ҳодисасини эсланг: мулокот ва дўстлик шернинг йиртқич қалбини юмшатди ва унда тазарру туйғуларини уйғотди. Шунинг учун у қайғу чекмоқда, чуқур изтиробда, ўз жиноятига тавба қиласкан, у инсонлар каби ғам-аламдан ўзини ўлдиради. Рухсат этилган нарса ҳам аниқ, рухсат берилмагани аниқ. Пайғамбар алайхиссалом айтганларида: «Одамлар маслаҳат бериша ҳам, ўз қалбинг билан маслаҳатлаш!»

Биз яхшини – ёмондан, ҳатони – тўғридан, рухсат берилгани – рухсат берилмаганидан ажратиш учун махсус шариат илмларига муҳтож эмасмиз. Дарҳақиқат, Аллоҳ таоло ҳар биримизнинг қалбимизга бутун шариатни ва мезон тарозиларини ўрнатиб қўйган. Қалбларимизни моддий оламнинг балчик-лойларидан, хирс-нафс заарларидан тозалаш учун нима қераклигини ижтимоий билимлар хассасисиз ҳам кўрамиз, биламиз ва аниқлаймиз. Бу Аллоҳ таолонинг нури, бу нурнинг номи – виждон! Аллоҳ таоло марҳамат қиласди: «Эй мўминлар, агар Аллоҳдан кўрксангизлар, сизлар учун ҳақ билан ноҳақни ажратадиган ҳидоят ато қилур» (Анфол, 29).

Шайх Муҳаммад ибн Абдул Жобир қуйидаги ҳадиси қудсийни келтиради: «Сенинг қалбингда Менинг элчим ва маслаҳатчим туриб, нега Мендан ноумид бўласан?»

Виждон – чин ҳақиқат ва ахлоқий бокириаликдир. Қотиллик ҳам, шунингдек, ўғрилик, ёлғон, зулм, бузуқлик, сўқиниш, беҳаёлик, кўғоллик, ёвузлик, мунофиқлик, хиёнат кабилар ҳам ҳеч қачон олийжаноблик бўлолмайди. Буларнинг ҳаммаси – ахлоққа зид нарсалардир ва қиёмат кунигача шундай бўлиб қолажак!

Шунингдек муҳаббат, раҳм-شاфқат, ҳақиқат, яхшилик, қечиримлилик, олийжаноблик, сахиyllик каби фазилатлар то еру осмон ёрилиб кетмагунича, бирорта телба кимса ҳокимиятни эгаллаб, ер юзидан ақл-идрок ғойиб бўлмагунича ҳеч қачон ахлоқсизлик кўриниши бўлиб қолмайди.

*(Арабчадан таржима).*

XX-XXI асрлар бўсағасидаги Ислом дунёси фақат ушбу дин тарқалган ҳудуд мамлакатларининг ҳамжамияти бўлиб қолмай, балки экстерриториал, гайримиллий ижтимоий-маданий ва диний-сиёсий воқелик сифатида майдонга чиқди. У сайдеризда тобора кулоч ёзаётган ва ўз илмий-техник хусусиятини ижтимоий-сиёсий томонга ўзгартириб бораётган глобаллашув жараёнлари марказига айланди.

2001 йил 11 сентябридаги воқеалардан сўнг иш ҳатто АҚШ ва унинг иттифоқчилари томонидан бевосита ҳарбий аралашувларгача бориб етди.

Дунёдаги баобруй сиёсий раҳбарларнинг босим ва баёнотлари ҳамда жаҳон ҳамжамияти ишонтирганидай, дунёни тубдан ўзгартириш, демократиялаш ва либераллаш йўлида Ислом тарқалган мамлакатларга куч ишлатишни ҳам истиносно қилмай, буни ташқаридан амалга ошириш, ҳатто ушбу диннинг ўзини ислоҳ қилиш бўйича фаол ҳаракатлар очиқ намоён бўлмоқда.

Натижада мусулмон оламида бирин-кетин қайнок нукталар аллангалањитики, булар ичida Ироқ, Афғонистон, Ливия унча эскирмаган мисоллардир. Воқеаларнинг бундай ривожи, кимдир тўғри топиб айтганидай, “Исломга қарши уруш” деган ном олди.

Бу истилоҳ Ислом дунёсининг оммавий идрокига хос равища қанчалик эҳтиросли туюлмасин, моҳиятдан унча бехабарлик қўриниши ҳам эмас. Шу ўринда машҳур сиёсатшунос, АҚШ президентининг миллий хавфсизлик масалалари бўйича собик маслаҳатчиси, Исломга самимияти борлигига унча ишониб бўлмайдиган Збигнев Бжезинский “Исломга қарши кураш” истилоҳидан АҚШ президенти Жорж Буш сиёсатини ва бу сиёсатнинг 2001 йил 11 сентябридан кейин унга яқин таҳлилчилар белгилаган ғоявий моҳиятини англатиш учун фойдалангани ҳам эътиборга молидир.

Бжезинскийнинг ёзишича, Буш фикрига кўра “Ислом ичидан ушбу динга хос бўлган аксилигарбий, аксили демократик йўналишга эга ва табиатан ақидапарастлик экстремизмiga мойилдир” ва у “Америкага террорчилик ҳужуми қилиш учун замин яратади”.

Уларнинг фикрича, “Муаммо илдизи Ислом маданияти ва ҳатто фалсафаси заминига жойлашган. Бу эса, Фарб тамаддуни томонга улкан хавф йўналтирилган ва бу худди шу каби улкан аксилислимий ҳаракатларга чорлайди, демакдир” (З. Бжезинский. “Танлов: дунёга ҳукмронлик ёки глобал устунлик”, М. 2005 й., 45, 119-120-бетлар).

Бу сўзларни бундан бир неча йил олдин АҚШнинг собик Давлат котиби ва америкалик йирик геостратеглардан бири Генри Киссинжер ҳам Ироқка қилинган босқинчиликнинг ҳақлигини исботлай туриб Россия телеканалига берган сұхбатида деярли айнан такрорлаган эди. Унинг фикрича, 11

сентябр воқеалари ортида Саддам Хусайн турмаган эди, бирок у ўз сиёсати билан дунёда террорчилик учун зарур бўлган куляй мухит яратди.

Аmmo Исломга қарши уруш авж олишининг бундан бошқа ҳам бир талай сабаблари бор. Булар ҳақида очиқ гапирилмайди, лекин улар тобора ойдинлашиб боряпти. Ушбу сабаблар кўйидагилардир:

1. СССР парчаланганидан кейин ва унга боғлиқ ҳолда жаҳон тараққиётининг янги либерал усули, капиталистик интернатсионаллашувинг умужаҳоний тус олиш (глобаллашув) хусусияти ва АҚШнинг ягона кучли давлатга айланиши натижасида мусулмон олами, агар шундай дейиш жоиз бўлса, Фарб дунёси ва унинг стратегик манфаатлари кархисида ёлғизланиб қолди. Шу муносабат билан Фарб тарафидан ўз манфаатлари йўлида мусулмон оламига босим ва таъсир ўтказиш миқёслари сўзсиз кучайди.

2. Биздаги ва хориждаги барча мутахассисларнинг умумий фикрига кўра, Ислом тарқалган ҳудудлардаги мамлакатларда авторитар тузумларнинг пораҳўрлик даражаси дунёда энг юқори бўлгани туфайли минтақа ва жаҳон ҳамжамияти тараққиёти умумий йўли ва таъмилларидан фарқлидир. 1990 йиллар бўсағасида мусулмон дунёсида ҳукмрон элитани алмаштириш жараёни бошланди ва бу кутилмаган самараларни ҳам бериши мумкин. Лекин бу жараён ҳозир жуда мураккаб ва оғрикли кечяпти. Жаҳоннинг етакчи сиёсатдонлари воқеалар ривожининг ўзларига мақбул бўлмаган тусга кириб кетишига йўл кўймаслик учун назоратни батамом ўз кўлларига олишга интилишмоқда.


3. Фарбда Ислом асосан тараққиётнинг ҳар қандай фойдалари дастурига бир тўғаноқ, марксча таъбир билан айтганда, “ишлаб чикаришнинг осиёча усули”га устқурма, қандайдир бир хил, қотиб қолган, доимо назорат қилиб, тўсиб турилиши ва имконияти туғилса йўқ қилиниши лозим бўлган феномен сифатида қабул қилинади.

Бундай фикрларни бошқа кўплаб таҳлилчилар ва мутахассислар ҳам айтишади.

Фарбнинг бу соҳада тутган йўли устозлик ва айни пайтда назоратчиликдан иборат.

4. Ислом ҳаётнинг барча жабҳаларини тартибга солишининг ахлоқий-маънавий жиҳатларинигина эмас, балки қадриятлари ва дунёкараши тизимининг таклиф этилаётганидан ҳам аълорогига эгалиги учун энг аввало АҚШнинг янгича либераллаш ва тубдан ўзгартириш, яккаҳокимлик интилишларига тўсқинлик қилмоқда.

Бу эса, жаҳондаги “умуминсоний қадриятлар” устига курилган янгича либерал тартибининг, Фарбнинг ўз табиатига кўра оммавий саналган маданияти маҳсулотларини истеъмол қилиш ва қайта ишлашнинг бутун режасини бузиб юборяпти.



## Нима учун Исломга қарши уруш эълон қилинди?

Замонавий услубдаги глобаллашувни гарблаштириш ва «анъанавий» кадриятларни «замонавий»лари билан алмаштириши назарда тутувчи тубдан қайта ўзгариши сезиз англаш қийин. Ислом эса бундай лойихага мутлақо мос келмайди.

Ислом дунёсида инсон шахсиятини дин, анъаналар, оила, тарих ва жамият шакллантиради. Глобаллашув эса буларнинг ҳаммасини “оммавий маданият” билан алмаштиришга, яъни, назорат килиниши мумкин бўлган янги инсон шахсиятини шакллантиришга уринади.

Устига-устак бундай одамнинг ўзи ушбу тузумнинг иштирокчисига айланади ва унинг қонунларига асосланган ўз фаолиятида тузумни кўллаб-куватлайди, мустаҳкамлайди ва ривожлантариради.

Шу муносабат билан тўқсонинчи йиллар бошида “тарихнинг интиҳоси”ни, яъни гарб либерал-демократик кадриятларнинг тўла ғалабасини эълон қилган американлик етакчи таҳлилчилардан бири Фрэнсис Фукуяма бундай дея таъкидлаган эди: “Афуски, биз қаршисида турган асосий тўқнашув тушунчаси анча кенгроқ ва фақат у террорчиларнинг кичикроқ гурухларинигина эмас, балки радикал исломчилар ва мусулмонларнинг бутун жамоасини қамраб олади. Улардаги диний ўхшашлик бошқа барча сиёсий кадриятларни ювиб кетади” (Ф. Фукуяма. “Тарих яна бошландими?”, “Огонек”, 2002 йил 2 декабр, М.)

Бу ерда Фрэнсис Фукуяма айтиётган “диний ўхшашлик” ҳар қандай мусулмон учун аниқ ифодаловчи саналади, чунки бу мусулмон эътиқодининг ажралмас қисми эканига эътибор қаратиш лозим бўлади. У мазкур гапи билан “асос тўқнашув” бугун айнан Ислом ва у тарқалаётган дунё ўргасидадир, демоқчи бўлади.

Америкалик бошқа бир мўътабар сиёсатшунос, Гарвард университети қошидаги Ж. Олин номидаги стратегик тадқиқотлар институти директори, “тамаддулар тўқнашуви” фояси муаллифи Самуэл Хантгитон ҳам шунга ўхшаш хулюса чиқаради.

Унинг илмий ишларида бугунги кундаги энг муҳим дунё муаммоларидан бири Ислом шиори остидаги террорчилик ёки экстремизмда ва ҳатто Ислом ақидапарастлигига ҳам эмас, балки Исломнинг ўзидадир, деган фикрни учрашиб мумкин.

Шу муносабат билан Исломнинг ўзини ислоҳ қилиш, қандайdir “мўтадил Ислом”ни яратишга уриниш ишлари анча фаоллашди.

5. Бошқа томондан Фарбда тўртинчи Интернатсионал ва маочиликнинг “жаҳон коммунистик инқилоби” лойиҳаси инқирозидан кейинги ҳозирги шароитда Ислом, аникроғи унинг сиёсий таълимоти “жаҳон инқилоби” фояси учун никоб бўлишидан хавфсирашияти.

Россиялик сиёсатшунос Борис Межуев бундай таъкидлайди: “Айнан шу никобнинг танланиши сабаби, афтидан, Исломнинг дин сифатидаги хусусиятлари билан жуда кам даражада хисоблашишдадир. Асосий масала шундаки, марказдан узоқдаги халиqlарни оламшумул камситиши Ислом дунёсини махсус маданий усулда хўрлаш билан бир хил чиқиб қолди.

“Жаҳон инқилоби”нинг айни никоби афзаллиги яна шундаки, Исломнинг тамаддун сифатида “ядро” давлати, геосиёсий таъсир оладиган ва шу сабабга кўра

Ислом ўзининг тарихий тақдирини боғлайдиган қудратли салтанати бўлмаган. Агар Исломнинг обрўсини диннинг барча муҳлислари эътироф этадиган худди шундай давлати, ўзининг Учинчи Рими бўлганида эди, у билан қандайdir шартномалар тузса бўларди. Лекин ҳамма муаммо шундаки, Исломда бундай давлат йўқ ва бу нарса мазкур динни дунё тартибини тубдан ўзгаришини истаган кучлар кўлида яхшигина қурол қилиб қўяди” (Б. Межуев. “Политический журнал”, 42 (45)-сон, 2004 йил 15 ноябр).

6. Ислом тарқалган худудларга эътибор кўп жиҳатдан унинг иқтисодий ва хомашё салоҳияти билан боғлиқдир. Ушбу салоҳият турли-туман сабабларга кўра, шу жумладан айнан мусулмонларнинг айби билан ишга солинмаётir.

Факат араб дунёсида қишлоқ хўжалигига яропчи ерларнинг майдони 500 миллион гектар атрофиди. Бундан атиги 70 миллион гектаридан, шу жумладан сугориладиган ерларнинг 10 миллион гектаридан фойдаланилмоқда, холос.

Сув захиралари деярли 390 миллиард кубометрни ташкил этади, бундан фақат 175 миллиардигина ишлатилиди.

Дехкончилик самарадорлигини салгина яхшилаш ҳар иили 200 миллион тоннагача ғалла йигиб олиш имконини берган бўлур эди, ҳозир эса атиги 27 миллион тонна ҳосил олинади.

Нефт араб давлатларининг умумий ҳазинасига ҳозирги 84 миллиард ўрнига йилига 300 миллиард долларгача маблағ тушириши мумкин. Яна шуниси муҳимки, яқин келажакда куррамизнинг бошқа минтақаларида нефт тугаши натижасида Ислом дунёси деярли нефт яқиҳокими (монополисти) бўлиб қолади. Ҳозирги пайтнинг ўзидаёк Яқин Шарқнинг нефт захиралари жаҳон нефтининг учдан икки қисмини ташкил этади. 1997 йил кўрсаткичларига кўра, Яқин Шарқ мамлакатларининг нефт захиралари жаҳондаги умумий неефтнинг 65,2 фоизини ташкил этди. Такқослаш учун маълумотлар: Шимолий Америка жаҳон жами нефтининг 8,3 фоизини, Марказий ва Жанубий Америка мамлакатлари – 7,6, собиқ Совет Иттифоки мамлакатлари – 6,4, Африқо – 6,4, Осиё ва Тинч океани ҳавзаси – 4,1, Оврупа мамлакатлари эса атиги 2 фоизини беради (British Petroleum Statistical Review of World Energy, London, 1997, стр. 4).

Қайта тикланмайдиган энергия ресурслари устидан назорат музаммоси умуман куррамиздаги вазиятни тўгри англашда ўта муҳим омил хисобланади. Мутахассисларнинг турли тахминларига кўра, Ердаги нефт ва газ захиралари бир неча ўн йилларга етади, холос. Агар энергиянинг янги манбалари очилмаса, жаҳон иқтисодиётини жиддий музаммалар кутиб турибди.

Шу муносабат билан жаҳон сиёсатининг катта ва кичик ўйинчилари нефт ва газ захиралари устидан назоратни кўлга олишга интилмоқда. Бугунги кунда можаро ва тўқнашувларнинг асосий майдони айнан асосий нефт захиралари жойлашган худудлар бўлаётгани бежизга эмас.

Шу жиҳатдан “Янги юз ийлилк учун АҚШ миллий хавфсизлиги стратегияси” (A national Security Strategy For a New century, 1998, Wash, 1998 г.) расмий ҳужжатида табиий ресурслар тугашининг умумжаҳон келажаги мутлоқ Кўшима Штатларнинг хавфсизлиги нуктаи назаридан кўриб чиқилгани эътиборга молик.

“Бошқа мамлакатларнинг” ўз табиий ресурсларидан че-  
кламмаган ҳолда фойдаланишлари эҳтимоли миллий ман-  
фаатларга хавф тарзида баҳоланади. Шу тариқа Вашингтон  
бутун дунё табиий ресурсларини ўзининг муҳим ҳәётий  
манфаатлари тоифасига киригатди. Бунинг устига ўша “Стра-  
тегия” муаллифлари АҚШ бу манфаатларни ҳимоя килиш  
ҳамма ишни қилишга, шу жумладан, зарур бўлиб қолганида  
ўз ҳарбий кудратини “қатъий ва бир томонлама” қўллашга  
ҳақли, деб ҳисоблашади.

7. Ислом тарқалган ҳудудлар глобал геосиёсий зид-  
диятлар марказига тушиб қолди. АҚШ бошқа барча куч  
марказларини ортда қолдириб, стратегик жиҳатдан бу  
муҳим минтақада тобора кўпроқ ўрнашиб оляпти. Чунки  
бу ҳудудлар устидан назорат ўрнатилиши Оврупа, Осиё ва  
Африқо, Атлантика, Ҳинд ва Тинч океанларини тугаштирув-  
чи йўлларни назорат қилишни таъминлайди.

Шу муносабат билан Самир Амин бундай ёзади: “Гло-  
бал иқтисодиётда АҚШ улуши бир неча ўйниллар мон-  
байнида камайиб боряпти. Лекин шунга қарамай, дунёдаги  
жами қурол-яргонинг тенг ярми Америка ҳиссасига тўғри  
келади. АҚШ Фарбий Оврупа, Япония ва Лотин Америка-  
сининг айrim ийрик мамлакатларидан фарқли ўлароқ са-  
ноатнинг на “анъанавий”, на янги тармоқларида иқтисодий  
ўсишга эришмайди. Шунинг учун Кўшма Штатлар  
иқтисод соҳасидаги муваффакиятсизликларини ўзининг  
ҳарбий имкониятлари билан қопламоқчи бўлаётir. Бу ре-  
жани амалга ошириш учун биринчи хужум майдони ҳам  
тайёрлаб кўйилди: бу Болқондан Ўрта Шарқ ва Марка-  
зий Осиёгача чўзилган ва мусулмон мамлакатларини ҳам  
қамраган минтақадир. АҚШ бу минтақани биринчи хужум  
учун танлагани бежизга эмас: у шу йўл билан Ягона Овру-  
па, Россия, Хитой ва Ҳиндистон каби супердавлатлар, яъни  
ўз ракобатчиларининг шаклланиш жараёнига тўсқинлик  
қилмоқчи. Америка бу мамлакатларнинг жаҳон айвонида  
мустақил куч-кудрат марказлари бўлишларига ҳалақит бе-  
ришга интилмоқда.

Ироқнинг хужум обьекти сифатида танланishi  
унинг Кўшма Штатларнинг маданий душмани бўлмиш  
минтақанинг марказида экани билан белгиланади. Бу тан-  
ловни тамаддуллар можароси деб бўлмайди. Бу содда ту-  
шунчаларнинг бироргаси ҳам ҳақиқатга тўғри келмайди, гап  
фақат бу минтақанинг ҳалқаро тизим занжиридаги бўш ҳалқа  
эканида. Айнан шу минтақага ортидан кучли жавоб зарбаси  
келишидан кўрқмай хужум қилиш мумкин”.

Кўшма Штатлар томонидан Яқин Шарқни қайта тузишни  
амалга ошириш бир неча лойиҳалар асосида, шу жумладан,  
сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳалардаги бир қатор  
тадбирларни ўз ичига олган “Катта Яқин Шарқ” лойиҳаси  
доирасида режалаштирилмоқда. Бу режалар АҚШнинг  
ҳалқаро тартибларни ўз раҳбарлиги остига олиш доирасида  
мусулмон дунёсининг ягона хўжалигини шакллантириш  
бўйича олдинги лойиҳаларидан ўсиб чиқди.

Йигирма биринчи асрда Яқин Шарқнинг барча  
минтақаларини бошқаришнинг қўмандонлиги вазифаси  
гоҳ “Истроил”га, гоҳ бошқа айrim марказларга топширилди.

8. Дунёдаги мусулмон аҳоли сонининг ўсиши, энг ав-  
вало кўп туғилиш ҳисобига кўпайиши ва яна бир жиҳатдан  
Исломга кирувчилар сонининг ортиши Ғарбда жиддий  
хавф туғдирмоқда. Чунки бу нарса қизиқонликка бориб,  
гоя йўлида ҳамма нарсага тайёр ёшлар ва ўсмирларнинг

бошқариб бўлмайдиган харакатларига олиб бориши мумкин.

Умуман Ислом дунёси эргашувчилари даражасининг  
юқорилиги билан кўркитмоқда. Сотсиолог олимлар йи-  
гирма биринчи асрда Ислом бошқа динларга қараганда тез  
тарқалишини таъкидлашяпти. Ҳозирнинг ўзида мусулмон-  
лар сони 1,2 – 1,4 миллиардга етган, бу ракамнинг йилига  
тахминан 2,75 фоиздан кўпайиши кутилмоқда. Бу маълу-  
мотларни протестантларнинг Исломга хайриҳоҳлиги ҳам  
бўлмаган “Худо учун яшаш” номли нашри келтиради.

Бошқа маълумотларга кўра, 2025 йилга бориб дунёдаги  
мусулмонлар сони бутун инсониятнинг 30 фоизини ташкил  
этади (А. Уткин. “Мировой порядок XXI века”, М., 2001 й.  
433-бет).

Бу ўринда БМТ маълумотларини ҳам эътиборга олиш  
ортиқчалик қилмайди. Уларга биноан 2020 йилга бориб  
ахолининг энг кўп ўсиши асосан мусулмон мамлакатлари-  
да кузатилади. Булардаги ёшлар хиссаси 57 фоизни ташкил  
этади, аммо уларнинг ижтимоий муҳитга ўйғунлашиб кети-  
ши учун етарли шароит бўлмайди. Бунинг устига Оврупа  
ва Шимолий Американинг тубжой аҳолиси камайиб кетади  
ва қариди (Қаранг: «UN, Population Division, Department of  
Economic and Social Affairs» // «World Population Prospects:  
2000 Revision». – 02.2001. New York).

9. “Совуқ уруш” тугаганидан кейин Ғарбга, энг аввало  
АҚШга геосиёсий душман тимсоли керак эди, чунки шуни  
баҳона қилиб ресурсларни ўз манфаатларини ҳимоя қилишга  
сафарбар этиш имкониятини топиш мумкин бўларди.  
Бир пайтлар Англия Бош вазири Маргарет Тэтчер НАТО  
қўшилтасини асрраб қолиши зарурятини асослаш максадида:  
“Ғарб тамадунига коммунизмдан ҳам каттароқ хавф бор ва  
бу Исломдир”, деган эди.

10. Жаҳон сиёсатининг етакчи ўйинчиларини анъанавий  
Ислом тарқалган ҳудудларнинг портлаб кетиши хавфи ҳам  
кўркитади. Чунки улар наздида бу нарса Ер куррасининг кат-  
та қисмини пароқанда қилиб ташлашга етарлидир. Бунинг  
устига бу минтақаларда уларнинг манфаатлари мос келса  
ҳам, кўп ҳолларда тўқнашиб туради.

11. Исломда клерикал уюшма (мамлакат сиёсий ва  
маданий ҳәётига таъсир ўтказувчи оқим) ва ягона бош  
руҳоний тизимининг йўқлиги ҳам ташвишга солади.  
Чунки умумжаҳоний элита томонидан Ислом дунёсини  
бошқарилишини пировард максад қилган сиёсий ўйинларни  
ташкил этишда бунга “суюниш” мумкин бўлур эди.

12. Ислом рибонининг (судхўрликнинг) барча шакллари-  
ни, яъни фоизга қарз бериш, молиявий найранглар асосига  
қурилган иқтисодиётни қатъиян рад этади. Бу билан у бутун  
умумжаҳон (глобал) иқтисод тизимиға ўзини қарши кўяди.

13. Исломнинг бесоқолбозлик каби иллатларни кескин  
коралаши ҳам айrim юкори мартабали доираларда жиддий  
безовталик пайдо қиласди. Сиёсатдаги хизмати тобора кат-  
талашаётган бу омилини ҳам эътибордан четда қолдириш  
ярамайди.

Назаримизда, Ғарб дунёсининг Исломга қарши кенг  
кўламда уруш бошлашига сабаб бўлувчи омиллар ана шулар-  
дан иборат. Яна ким билади дейсиз, балки Ғарбнинг ғашига  
тегаётган нарсалар фақат шуларгина эмасдир?!

**Абдуллоҳ Ринат МУҲАМЕДОВ**  
(“Ансор.ру” сайтидан).

# АҚЛ КҮЗИ БИЛАН БОҚИНГ...



## ТАРИХ САБОФИ

Ёзувчи Фозил Зоҳиднинг келтиришича, 1873 йилнинг 29 май куни Хоразм тарихи саҳифасига қора ҳарфлар билан ёзилди. Босқинчиларнинг ҳарбий юришлар ва қирғинбаротлар оловида тобланган кўпсонли қўшинлари хонлик пойтахти Хива қалъасига бостириб кирди, муқаддас жойларни оёқ ости қилди, асосий зарба диний ва миллий қадриятларга қаратилди.

Тарихий манбаларда келтирилишича, қалъани истило қилишда 44 та замбарак, бошқа ўт очиш қуроллари ишга солиниб, масжид-мадрасаларга, мақбара ва минораларга қарата ўқ отилган. Жума масжидига тўп отилган пайтда масжид минорасида аzon айтиётган муаззин овози янграган. Шу куни олов халқасида қолган 17 та масжидда жамоат бўлиб намоз ўқилган. 22 та мадрасада машғулот давом этган. («Мусулмонлар тақвим китоби», 1999 йил, 4-чорак).

## СЕРГАК МУАЗЗИНЛАР


Шош шаҳри тўкинлиги, ширин суви, мўътадил иқлими, мунтазам ёмғирлари, боф ва экинзорлари билан шуҳрат топган йирик мусулмон шаҳарларидан биридир. Ривоят қилишларича, қандайдир мажусий турклар шаҳарни тунда босиб олади ва фурсат ўтказмай уруш олиб бориладиган жойларни белгилаб қўйишни режалайди. Тонгга яқин улар атрофдаги миноралардан тарқалаётган аллақандай овозларни эшитиб қолишади. Бунинг нималигини сўрашганида муаззинлар эрталабки намозга аzon чақиришяпти, деган жавобни олишади. Тонг отгунча шаҳарнинг ҳамма жойидан басма-басига аzon товушлари эшитилиб турди. Унда (Шошда) тўрт минг жомеъ масжиди бор эди, ҳар бир жамоа олтмиш ёки етмиш хонадоннинг одамларидан иборат эди. Улар бу хабарни эшитиб, ваҳимага тушишади ва шарманда бўлмай туриб қочиб қолишни афзал кўришади. Бунга Шош муаззинларининг туни билан сергак ҳолда тўхтовсиз аzon чақирганлари сабаб бўлди. (Абул Фазл Жалолиддин Қарший, «Мулҳакот ас-сурх», қўлёзма, 98-бет).

## «МОВАРОУННАҲР ХАРОБ БЎЛҒУСИДИР»

Ўн бешинч асрнинг саксонинчى йилларида Андижонда турган Мұҳаммад Амин Султон ибн Наврӯз Аҳмадхоннинг мактубидан: «...сониян ул ҳазрат замира гравашан бўлғайки, агар биргалашиб олди олинмаса, қадим замонлардан бери бутун дунё ҳаваси ва ҳасадини қўзғаб келган Мовароуннаҳр аслида бир аждод авлодлари бўлмиш оға-инилар ва қариндошлар ўртасидаги низо-хунрезликлар туфайли хароб бўлғусидир. Агар низолар кучайгудек бўлса, афсус ва надоматлар фойда бермагай. Ул ҳазрат бандаларидан садоқатли дўст сифатида илтимосимиз шулки, саъй-файрат кўргузиб, низо-адоват оға-иниларининг дўстлиги ва иноқлиги, мусулмонлар орасида осойишталик ва фаровонлик мубаддал бўлса..., мулозимлар орасида энг мартарабали ва содиқ дўстимиз, қадим мухлисимиз яна сизга муҳим ишлардан сўзлаб берур...»

*(Бадриддин ибн Абдуссалом Каимирий,  
«Равзатур-ризвон ва ҳадиқат ул-иймон»,  
қўлёзма, ЎРФАШИ кутубхонаси).*





## ШАРОБНИ КИМ ЎЙЛАБ ТОПГАН?

Қадимий Эрон ҳукмдори Жамшид Жамнинг номи биринчи бўлиб шаробни ўйлаб топган киши сифатида тарихда қолган. Жамшидинг шаробни ўйлаб топиши бундай содир бўлган:

У бир куни ов қилиш учун аъёнлари билан тоққа ўйл олди. Кетаётib тасодифан фарқ пишиб ётган узумзорга дуч келди. Узумдан тердириб, ачитқисини ўлимга маҳкум қилинган котилларни кўпроқ кийнаб ўлдириш учун уларга бериши буюрди. Унинг фармонига биноан ачитқидан сикиб олинган шарбатни ўлимга маҳкумларга зўрлаб ичиришди. Шунда маҳкумларнинг бири қаттиқ уйқуга кетди. Бир қанча вакт ўтганидан кейин уйғониб, ўзига келди ва яна озгина ичиришларини сўради. Иккинчи марта шаробга тўйиб олгач, хурсандчилликдан кўзлари завқ-шавқ билан порлай бошлади. Бу ҳолатни хайрат билан кузатиб турган Жамшид шарбатдан татиб кўришга жазм этади. Ундан кейин аъёнлар ҳам ичиб кўришади. Ҳаммалари ичкиликинг кайфи билан эс-хушларини йўқотишади.

Шундай қилиб, ҳукмдорнинг барча маросимларида узумдан тайёрланадиган ичимликлар ичиш одат тусига кирди. Ҳар гал дастурхон тузалиб, Жамшид ёронлари билан давра куар экан, албатта маст бўлиб, вактичоғлик қилишар эди. Унга «Жам анъанаси, Жам маросими» номини беришди.

Жамшид Эронда зардуштийлардан ҳам олдин шароб ичиш маросимини ўтказган, йиғинларда турли хил ичкиликлар билан фуқароларини «сийлаган». Аста-секин шароб ичиш урфга кириб, инсонлар шаробхўрлик ва мастилик балосига йўлиқишиган, ахлоқизлика юз тутишган. Ўлкада бора-бора жирканч ва қабих бир ҳаёт тарзи вужудга келган.

Кейинчалик асма дараҳтигининг узумлари ажратиб олиниб, ачитқисидан тайёрланган шароб кўшни халқларга ҳам тарқатилган. Қадимги мисрликлар, ибронийлар, юнонлар шу тариқа ичкилика мубтало бўлишган эди. Бора-бора Ҳиндистон, Рум, Хитой, Арабистон, Шом (Сурия), Мисрда турли кўринишларда ичкиликлар пайдо бўлди, инсоният мастилик ва хорлик сари шиддат билан кета бошлади.

Асрлар ўтиб, Жамшид базмлари тилларда достон бўлган («Базми Жамшид») ибораси ҳатто бизда ҳозиргacha ҳам ишлатиб келинади). Инсонлар бир-бирларини шароб билан сийлаб, ўша базмларни ёдга олишган, ичкилик мажлислари, зиёфатлари уюштириб, гуноҳларга ботишган. Шу тариқа шаробни ўйлаб топган Жамшид Жамнинг номи одамлар орасида машхур бўлиб кетган. Майхўрлар доим Жамнинг шарафига ичишган, уни хотирлаб, май қадаҳини «Жоми Жам» деб номлашган. Майпараст шоирлар уни шарафлаб, ашъор ёзишган, инсонлар орасига ёмонлик уруғларини сочишган, қанча авлодларни разолатга бошлашган (Мұхаммад Камол. «Барча ёмонликларнинг боши» китоби, 21-23-бетлар).

### БОШҚА ДИНЛАР ҲАМ ҚАЙТАРГАН

Ароқхўрликнинг нақадар заарли иллат экани ва бу нарса динимизда каттиқ коралангани ҳакида журнализминг олдинги сонларида ёзган эдик. Бу заарли ҳолатнинг нақадар катта кўлам қасб этаётганини назарда тутиб, унга бошқа динларнинг муносабати ҳакида ҳам тўхталишни истадик:

Ҳозирги пайтда насроний жамиятлари тарафидан эълон қилинаётган Инжил ва Тавротда ҳам ичкиликинг зарари, ундан насронийларни қайтариш ҳақидаги оятлар ўрин олган. Тавротнинг 10-боби 8-9-қисмларида баён этилгани каби авлиё Юҳанно Инжилининг 2-боби 8-9-қисмларида бундай дейилади: «Парвардигор Ҳорунга деди: «Сен ва ўтилларинг жамоат чодирига кирганингизда шароб ва мускир (маст қилувчи ичимлик) ичадиганлардан бўлмангиз».

Тавротнинг 20-бобида эса: «Шароб шарманда этади, мускир жанжалкашга айлантиради. Унга мубтало бўлган ақлли эмасдир», дейилган. Тавротнинг 23-боб 20-21-қисмларида: «Сархушлар, вужудини хор қилганлар билан улфат бўлма», деб айтилган.

Шу китобнинг 23-боби 29-35 қисмларида: «Уларнинг ҳолигавой, бу шовқин-сурон, сабасиз жароҳатлар, қизарган кўзлар кимники? Шаробдан ажралмайдиганларники, уни кидириб юрадиганларники. Шаробнинг қизиллигига, қадаҳдаги чиройига ва ажойиб қуилишига алданиб қолма!.. Охир-окибатда илон каби чакади, кўзларинг, қалбинг ёмон нарсаларни сўзлай бошлади. Денгизнинг ўртасида ёнаётган кеманинг тубида ухлаётган каби бир ҳолатга тушасан», дейилади. (Таврот ва Инжилининг 1885 йилги туркча нашридан).

Ато ибн Ёсир айтади: «Бир киши Каъбул Ахбордан «Арок Тавротда ҳаром қилинганми?», деб сўради. У: «Ҳа», деди ва Куръони каримнинг Моида сураси 90-оятини ўқигач, деди: «Тавротда бундай ёзилган: «Биз ботилни ўйқ қилиш учун Ҳакни нозил қилдик ва у билан бекорчи ўйинни, ногорани, сурнайни ботил қилдик ва арокни ҳам. Ароқ ичувчига вайл азоби бўлсин! Аллоҳ улуглигига ва иззатига қасам ичдики, (банда) бу дунёда ундан тўхтамаса, у қиёмат кунида чанқоқ бўлади. Мен уни ҳаром қилганимдан кейин тарк қилса, Мен уни Ҳозират улкудусда сугораман». «Ҳозират ул-кудус нима?» деб сўралди. У айтди: «Қудус – Аллоҳ, ҳозира эса жаннатдир».

# ИЙМОН ХАЛОВАТИ

(МУСУЛМОН ЙИГИТНИНГ КУНДАЛИГИ)

Ёзувчи Ахмад Мухаммад ТУРСУН “Иймон халовати” деган янги асарини ёзиб тугатди. Унда залолат йўлларида адашиб юрган бир йигитнинг ҳидоятга кириши воқеаси, бунга олиб келган омиллар ҳақида ҳикоя қилинади. Журналинизнинг буғунги сонидан бошлаб шу асарни давомли бериб борамиз.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам

айтдилар: «*Албатта Аллоҳ жисмларингиз ва суратларингизга эмас, қалбларингизга қарайди*».

(Имом Муслим ривояти).

\* \* \*

## *Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.*

Агар менга «йигирма тўрт ёшингда қарашларинг, эътиқодинг, ҳаётинг бутунлай ўзгариб кетади, бунга уйингда ишлаган бир курувчи уста сабабчи, турткى бўлади», дейишганида, гапнинг рости, асло ишонмаган бўлар эдим. Одам бу ёшда ўсмирикнинг бекарор орзу-ўлларидан, хамма нарсага хавойи муносабатларидан хийла узоқлашади. Дунёкараши анча шаклланган, оқ-корани таниган, тансик балоғат дамларининг нашбу намосини сураётган бўлади. Мен ҳам тенгдошларим қатори йигитликнинг беташвиш, завқ-шавққа тўла, эрк-истаклар ва орзуларга бирор даҳл қила олмайдиган шодмон палласида эдим. Сўнг эса... Кейин бир кечанинг ичидаги ҳамма нарса ўзгариб кетди. Келинг, яххиси барини бошидан сўзлаб берақолай...

\* \* \*

Бундан бир йил муқаддам хукукшунослик институтининг бакалавр дипломи билан шахар судида ижрочи бўлиб иш бошладим. Институтни тугаллаш арафасида ўзимни прокуратура, ҳеч бўлмаганда ички ишлар бўлими терговчиси сифатида тасаввур килиб ёрқин умидлар, ширин хаёлларга кўмилиб-чўмилиб юрган эдим. Аммо уйга қайтиб, бир оз дам олгач иш ахтаришга киришдиму барча орзу-умидлар чиппакка чиқди. Ё дунёни адлия ходими босиб кетган, ёки ишга киришнинг нимадир сирлари, мен билмаган қандайдир тартиб-қоидлари бор эди. Ҳарқалай, етти марта ишга жойлашишга қилган уринишларим барбод бўлди: бирида иш йўқлигини, бошқасида ҳали тажрибасиз эканимни рўяқач килиб тиржайиб туришаверди. Ҳаттоқи йирик комбинат директори бўлиб ишлайдиган дадамлар ҳам бир иш чикара олмай, мени нощудликда, омадсизликда, беғамликда айблаб, нуқул сўжинар эдилар. Охири бир амаллаб суд ижрошлигига жойлаб қўйдилар. Раиснинг айтишича, бир-икки йил иш ўргансам, ўзига ёрдамчи килиб олар эмиш.

\* \* \*

Ўзи ҳаётда омади чопмаган одамларданман, шекили. Ишга жойлашишим қанчалик оғир ва кийин кечган бўлса, ўқишига киришим ҳам шунчалик жанжалли, серғалва бўлган эди. Аввалига дадам билан онам келажакда ким бўлишим ҳақида тортишиб, фижиллашиб қолиши. Онам ҳозирги шароитда энг баобўр ва сердаромад иш шифокорлик эканига маҳкам ёпишиб олдилар, тиббиёт институтига киришга тарғиб қилишдан чарчамадилар. Дадамнинг далиллари бундан-да кучли эди: «Ҳамма нарса пул билан ўлчанадиган буғунги кунда ақлли одам фарзандини ё адлия ходими, ё солиқчи қиласди. Мен ёлғиз ўғлимнинг бирорнинг қўлига мўлтираб қараб турадиган дўхтир бўлишини хоҳламайман. «Юридический»га кирса, пулни тахини бузмай патнисга солиб келишади, ялиниб ташлаб кетишади».

Онамнинг биттагина ўғилларини олис Тошкентта юбориб кўймасликлари, ўша «юридический»га киритиш учун бир жомадон пул кераклиги, иннайкейин бу касб менинг феъл-авторимга мос эмаслиги ҳақидаги даъволари ҳам инобатга ўтмади. Икковлари уришиб, бир хафтагача гаплашмай ҳам юриши. Аммо негадир ҳеч кимнинг мендан «ўзинг ким бўлмоқисан, қайси касбни ёқтирасан?» деб сўрагиси келмасди. Ўзим эса институтда ўқишини мутлақо ўйламаётган эдим. Бутун фикри-ёдим техника эди: машина тузатишга ишқибоз эдим. Лекин уйимизда ким ҳам менинг орзу-ниятим билан ҳисоблашар эди? Ҳай, омон бўлсак, кўраверамиз-да!

\* \* \*

Мана, талабаликни ҳам эсон-омон бошлаб юбордим. Имтиҳонлардан бир амаллаб ўтган эдим. Дадам пойтахтга икки марта келиб, кимларгайдир учрадилар. Ҳатто бир гал «Зарафшон» ресторанида зиёфат ҳам бериши. Негадир мени чакиришмади. Шоғёримиз Анвар aka хизмат қилиб турди. Тест синовлари бўлган куни домлаларнинг сирли жилмайшларини кўриб, кўнглим хотиржам бўлди. Киришимга ишонар эдим...

# ҚУДДУС АМАКИНИНГ САБОҚЛАРИ

## UCHINCHI SABOQ FARISHTALAR HAQIDA

**ФАРЗАНДЛАРИНГИЗГА ЎҚИБ БЕРИНГ**

Assalomu alaykum, shirindan-shakar dilbandlarim! O'tgan mashg'ulotda berilgan kalimani yodlab bo'ldingizmi? Qani, aytib bering-chi! Barokalloh! Juda yaxshi yodlabsiz.

Endi sizga Allohning farishtalari haqida gapirib beraman. Ehtimol, bobo yoki buvingizdan, ota-onangizdan «farishta» so'zini eshitgandirsiz? Ulami «malaklar» ham deyishadi.

Farishtalar yer ustida, osmonda va yero osmon oralig'ida uchib yurishadi. Unda nega bizga ko'rinnmaydi deyapsizmi? Bunga hayron bo'l mang. Masalan, biz havodon (kisloroddan) nafas olamiz, lekin uni ko'rmaymiz-ku! Elektr quvvatidan uydagi lampochkalar yonadi, ammo elektrni ko'rmaymiz-ku! Radio to'lqini antenna orqali kelib gapiradi, biroq uni ham ko'rmaymiz-ku! Shunga o'xshab farishtalar ham nurdan yaralgani uchun ko'zimizga ko'rinishmaydi. Lekin biz ularni ko'rmasak ham borligiga ishonamiz.

Farishtalar Allohning buyruqlarini bajarishadi. Ular ovqat ham yemaydi, uxlamaydi, so'zlashmaydi. Yomon ishlarni qilishmaydi. Doimo Allohga ibodat (xizmat) qilishadi. Ularning soni shunaqangi ko'p-ki, buni Allohdan boshqa hech kim aytib berolmaydi. Farishtalarning eng ulug'lari to'rtta: Jabroil, Azroil, Mikoil, Isrofil. Jabroil Allohning buyruqlarini payg'ambarlarga etkazadi. Azroil odamlarning jonini oladi. Mikoil Alloh bergan rizqni odamlarga taqsimlaydi. Isrofil qiyomat bo'lqanini hammaga ma'lum qiladi.

Har bir odamning atrofida to'rttadan farishta yuradi. Ikkitasi uning oldi va ketida yurib, turli falokatlardan, gunoh ishlardan qaytarib turadi. Ikkitasi esa odamning yaxshi ishlarini ham, yomon ishlarini ham hech qoldirmay yozib yuradi. Keyin ana shu yozuvlarga qarab qiyomat kuni o'sha odamga yo mukofot, yoki jazo beriladi.

Allohning farishtalariga ishonish musulmon farzandining ikkinchi vazifasi. Shundagina u iymonli bo'ladi. Siz ham buni doimo yodda tuting. Farishtalar yozib qo'ymasligi uchun aslo yomon ishlarni qila ko'rmang, xo'pmi?

### БОЛАЛАРИНГИЗГА ЎҚИБ БЕРИНГ! ХЁРОЗ ВА АЙЁР ТУЛКИ

Ҳикоя қилишларича бир хушвоз хўроздан бўлган экан. Одатда у сайр қилар, қишлоқдаги кичкина уйча олдида қанотларини ёйганича офтобга тобланар экан. Туннинг маълум пайтларида вақти-вақти билан қичқириб қўяр экан.

Бир куни унинг ёнидан айёр тулки ўтиб қолибди ва унга: «Бугун жуда чиройли бўлиб кетибсан, хўрозвой, патларинг топ-тоза, тожинг ялтираб турибди, сеникidan ёқимлироқ овозни хеч қачон кўрмаган эдим, лекин сенинг овозинг қаҷонларидир эшитганим отанг товушидан бутунлай бошқача экан», дебди. (Бу тулки ўйлаб топган ҳийла эди). Шунда хўрозда тулкига: «Эйук, менинг овозим ҳам отамники каби жозибадор», дебди. У шундай дегач қанотларини қаттиқ қоқиб, кўзларини юмиб, қичқиришга ҳозирланганида тулки уни шартта тутиб олибди.

Қўлга тушган хўрозда қандай қилиб тулки чангалидан кутилиш йўлини ўйлай бошлабди. Тулки унинг бўйнидан тишлаб турганида хўрозда бундай дебди: «Бу хўрозда фақат менга тегишли, уни ҳеч ким билан баҳам кўрмайман», деб баланд овозда ҳаммага эълон қилиб чиқ! Тулки жагини очиши билан хўрозда ерга тушибди ва кўз очиб-юмгунча дарахтга учеб чиқиб, тулкидан кутилибди. Тулки қилиб қўйган ишидан афсусланибди ва: «Сукут қилиши керак бўлган пайтда гапирган оғизни Аллоҳ кечирсин!» дебди. Шунда хўрозда: «Очиқ бўлиши керак бўлган пайтда юмилган кўзни ҳам Аллоҳ кечирсин», дебди.

### ҚУЁН ВА ТОШБАҚА

Жуда қадим замонларда бир-бирларига қўшни бўлиб қуён ва тошбақа яшашган экан. Бир куни тошбақа қуёнга бундай дебди: «Мени доим секин юришда айблайсан, сен эса чопағонсан. Бугун сени мен билан пойга ўйнашга чакираман». Қуён эса мағурланиб: «Хо-хо-хо, мендай чопқир қуён аранг-аранг ўрмалаб юрадиган тошбақа билан пойга ўйнарканмани? Бу ҳақиқатдан кулгили гап!», дебди.

Бироқ қуён уни бир шарманда қилиш учун олдиндаги тепаликка тошбақа билан пойга рози бўлибди. Улар мусобақани бошлашибди.

Қуён ўзининг табиатан тез чопишига қаттиқ ишонганидан, чопқирлигини яхши билганидан талтайиб-керилиб пойгага киришди. Шуннинг учун йўл-йўлакай ўйноклаб, беда ва сабзи учраса улардан еб, анча вақтини йўқотди. Тошбақа эса жиддийлигини сақлаб, белгиланган мэррага етмагунича йўлида сабитқадамлик билан давом этаверибди. Қуён тошбақанинг қаерда келаётганини кўриш учун атрофига аллангаса, у аллақачон тепаликка етиб борган экан. Энди қуён тошбақага етиб олишга кечиккан эди.

Шундай қилиб, тошбақа ўзининг сабр-матонати ва тиришкоқлиги туфайли пойгада ютиб чиқди. Қуён бўлса, вазифасини вақтида бажармагани, чопағонлиги ва эпчиллигига ишониб мағурларнагани учун ютқазиб қўйди.

*Абдуллоҳ Абдул-Мутининг «Исломда тарбия» китобидан.*

Халқымиз мәхмөндүстүлиги ва саҳийлиги билан ном чықарған. Мәхмөнга уйидан жоой бериси, уни зиёфат қылыш, иззат-хурматини жоойига күйши хар бир ўзбекнинг бүрчига айланған. Айниңса мәхмөнга ёқадыган мильти таомлар билан сийлашыны, ўзининг пазандачи-лик маҳоратини намойши қытшини қайси уй бекаси орзу қылмаган дейсиз!

Үй бекаларини бошқа халқтар пазандачилиги ҳам қызығыптириши табиий. Шундай назарда тутиб, мусулмон мамлакатлар халқлари дастурхонига тортыладыган түрги таомларни тайёрлайы усулылари билан журнахонларымизни таништырып боришини маъкул күрдик.

Булар муслима аёлларымизга яхши түхфа бўлайди, деган умиддамиз.

## ЖАҲОН ПАЗАНДАЧИЛИГИ ТАОМЛАРИ



### КАВАТОҚДАН ГОЛУБСИ

(Озарбойжон)

Майдада түргалган пиёзни ўсимлик мойида қовурасиз, унга бодом магзиниң күйшиб яна бир дақықача димлагандан сүнг унга гүшит, ғурунч, ялпиз, туз, қалампир, долчин күйшиб бир қовуриб оласиз. Ток баргини бир дақықага қайнок сувга согласиз. Кейин уни ёзиб, тайёрлайын қыймангиздан бир оши қошигигида соглиб чиқасиз. Уни ўраб чиқсангиз, бармоқ каштатылгидаги құвурча шактига киради. Қайнатганды очылб кетмаслиги учун уни иш билан ўраб күйса ҳам бўлайди. Кастрюлакани оловга күйиб, голубсиларни кўмгулдай сув құясиз вә қопкөги ёниҳ ҳолда 25 дақықача қайнатасиз.

Масаллик: 300 грамм юмишатилган мол гүшити, 30 дона ёши ток барги, битта кашттароқ пиёз, 6 та оши қошигигида хом ғурунч, 4 та оши қошигигида майдаланган бодом магзи, 3 та оши қошигигида ўсимлик мойи, бир чимдим майдаланган ялпиз (хўл ёки қуруғи), бир чимдимдан долчин, туз, қалампир.

### ФАРГОНАЧА ПАЛОВ

(Ўзбекистон)

Кубик шактида түргалган кўй думбасини эритиб, жисзасини оласиз. Кейин қаштиқ қаздирғилган ёёга гүшити олинган кичикроқ суктасилаб, қизил-қўнгир рангга киргунча қовурасиз. Кейин уни олиб ташлаб, аввал гүшит бўлакларини, кейин парракланган пиёзни, булагни бироз қовуриб олгандан кейин сомон шактида майдаланган сабзини ташлайтисиз. Уларни қовуриши жараённанда тузини ростлайтисиз, зира, зирк, қашнич каби зира-ворларни ташлайтисиз. Бироз сув қўйиб, яхшилаб қайнатгач, то-загаб-ювилган ғурунчни ташлайтисиз. Сўнгра ғурунчни кўмгулдай сув қўйиб, сувини тортгач, 20-30 дақықага дамлаб қўясиз. Да-стурхонга түрги салатлар ва сирка билан тортылади.

Масаллик: 500 грамм кўй гүшити, 500 г ғурунч, 120 г кўй думбаси, 250 г сабзи, 3 та пиёз, бир оши қошигигида зира-ворлар мајсуми ва туз.



### АЖАБСАНДА

(Осиё халқлари таоми)

Асосан бугда пишириладиган бу таом учун кашта ва кичик ҳајмсли иккита идии (қозон ёки кастрюлка) керак бўлайди. Кастроикани арчиб, бир сантиметрги қубик шактида түргайтисиз. Сабзини эса худди паловга түрграгандек самон шактида, помидорни тилик-тилиқ ёки паррак-паррак, пиёзни халқачалар шактида түргайтисиз. Саримсоқ доналарга ажератилади. Гўшим билан ёш боши бармоқнинг биринчи бўгими каштатигида майдаланади. Аччиқ ва чучук қалампирларни майдада түргаб, кирқилган қашнич билан укронга арапашитириб қўясиз.

Энди кичик идиишнинг ичига бир қатлам қилиб картошканы согласиз, унинг ўзига лойик туз, мурч ва майдалаб кўйилган ошиқлардан сепинг. Иккинчи қатламга сабзини согласиз, унинг ҳам туз-намагини ростлайтисиз. Ўчинчи қатламга помидор бўлакларини согласиз-да, унга ҳам кўйкатлардан ва туз сепасиз. Тўрттинчи қатламда пиёз, бешинчисида саримсоқ, олтинчи қатламда эса гўшим билан эритилмаган ёш бўлайди.

Кичик идиишни кашта идии ичига ўрнатасиз, идиишлар орасидаги бўшилик жоойга сув құясиз. Таом шу сувнинг бугуда пишиади. Сувни кичик идииш лабидан анча пастроқ сатҳа күйинг, шарактаб қайнагандан масаллик ичига тушилайдиган бўлсин.

Кичик идиишнинг оғзи очиқ ҳолда, кашта идиишнинг қопкогини жисип қилиб ётиб, оловга қўясиз. Идии доим ёниқ тургани учун баъзи дармондорилар ва ифори мойлар учидек кетмайди, нобуд бўлмайди, шу сабабли бу таом гоят топтили ва фойдали бўлайди.

Пишиши муддати иккиси соат. Агар суви камайиб қолса, бемалол очиб, оралиқ жоойга қайнок сув кўйишингиз мумкин. Ажабсанда қанча узоқ қайнаса (масалан беш соатга чи), шунчак лаззатли бўлаверади. Бу таом ортиқча вакт олмайди, бордию мәхмөнингиз кечикса ҳам хар қанча оловда тураверади. Таом косаларга сузиб, дастурхонга тортылади. Бунда косага ҳамма масалликдан баравар тушишига эътибор беринг.

Масаллик: 500 грамм кўй гүшити, 150 г кўй думбаси ёки чафриси, 5 дона картошка, 5 дона пиёз, 4 дона помидор, 3 дона сабзи, бир боши саримсоқ, укрон, қашнич каби кўйкатлар, 1-2 бошидан аччиқ ва чучук қалампир, туз.

